

ЧЗ.66.3(54)в

0-51

БАХТИЁР ОМОН



**СИЁСИЙ
ЕТАКЧИННИГ
НОТИҚЛИК МАҲОРАТИ**

“ЎЗБЕКИСТОН”

Китоб кўрсатилган муддатда
топширилиши керак
Фойдаланилганлик сони

Ч 66.3 / 3918
0-52

БАХТИЁР ОМОН

В/У/С/Р/З
9. Февраль 2000 г.

СИЁСИЙ ЕТАКЧИННИНГ НОТИҚЛИК МАҲОРАТИ

(Президент Ислом Каримов
фаолияти мисолида)

Нотиқим кашшати барка земонлардай,
хар кандай жоминтди влоҳида кадоланган.
Кадимда М. Аристотель, Римла
деним нотикчиликни мусоба-
калардан сизниң оғизига таъмин со-
нганини көрсатадиган. Аристотель
бошлар (Демократия) шароитлар
ниң сиёсий нуткнари олидан-семага кўчиб
биззача стомб келган. Айникса, Цицерон
(врамнадан оғидин торчанинг нутк ус-
дуби мўъжисавиличини) ғизмоқлиниги
бизен боршада ободиган экранинга таради. Уйин
публицистик угулуби узига жад булиб, ин-
соннинг жолатига, сиёсий қайфиятига кун-
ли таъсирир кўрсати олича жудратига ша ади.
“Нотиқимнинг шамидаси у боли бу факултетни
келтиришгина смас, балки улер воситаси-
да тайловчиларда кучли хис-туйгулар уй-
ғотиш, барча тайловчичарни шунга сабер-
бер этиштир”

Тошкент
“Даёлкот” давлатни
“Ўзбекистон” жаонда”, “Ко-
нунчур ҳареда”

2000

66.3(5У8
О-57

НОМО ФЭНТХА

Китоб курбатилган муддати
негизирлини керак
Форсалинаганлик сони

СИЕСИЙ
ЕТАКИНННЛ
НОТАПОХАМ КИНГИТОН

номикдай мөбөн таңдивеоди
(единство и единство)

ФАРГОВА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИДА
КУТУБХАМАСИ

ISBN 5-640-02815-7

НОТОКЛИК

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 2000

Ўзбекистон мустақиллигининг
9 йиллигига бағишиланади

КИРИШ

Нотиқлик санъати барча замонларда, ҳар қандай жамиятда алоҳида қадрланган. Қадимда Мисрда, Юнонистанда, Римда доимо нотиқлар, ваъзхонларнинг мусобақалари ўтказилган. Кейинроқ бу муҳим соҳани ўргатадиган мактаблар пайдо бўлди. Антик Рим сиёсий нотиқлари нотиқликнинг бошловчилари эдилар. Плутарх, Юлий Цезарь, Демосфен, Марк Туллий Цицеронларнинг сиёсий нутқлари оғиздан-оғизга кўчиб бизгача етиб келган. Айниқса, Цицерон (эрамиздан олдин 106-43 й.и.)нинг нутқ услуби мўъжизавийлиги ва салмоқлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг публицистик услуби ўзига хос бўлиб, инсоннинг ҳолатига, сиёсий кайфиятига кучли таъсир кўрсата олиш қудратига эга эди. “Нотиқнинг вазифаси у ёки бу фактларни келтиришигина эмас, балки улар воситасида тингловчиларда кучли ҳис-туйғулар ўйғотиш, барча тингловчиларни шунга сафарбар этишдир”, деб ёзганди у. Цицероннинг “Давлат ҳақида”, “Нотиқлик ҳақида”, “Қонунлар ҳақида”, “Катон ёки қариллик ҳақида”,

“Шон-шавкат ҳақида” каби машхур асарлари ҳануз ўқиб-ўрганилади. “Нотиқда яна юмор ва ҳозиржавоблик, билимдонлик, тез ва чиройли жавоб қайтариш маҳорати бўлиши даркор, — дейди Цицерон. — Бундан ташқари, у қадимги тарихни яхши билиши, ундан ёрқин мисоллар келтириши, қонулар ва фуқаролик хукуқидан боҳбар бўлиши кераклигини эътибордан соқит қилмаслик шарт”¹.

Шарқда ҳам машхур воизлар, нуктадонлар кўп бўлган. Мазмунли, маъноли гапириш, ҳикмат билан сўзлаш қадрланган. Натижада алоҳида фасоҳат илми деган фан шаклланган.

Нотиқ тажрибали сиёсатдан бўлиши билан бирга, илм-фан, адабиёт ва санъатдан яхши хабардор бўлиши, ҳалқнинг миллий руҳияти, анъаналари, урф-одатларини билиши лозим.

Давлат раҳбарлари нотиқлиги алоҳида аҳамиятга молик. Конфуций, Амир Темур, Маҳатма Ганди ва бошқа тарихий шахсларнинг сиёсий ҳаёти бунга жонли мисолдир.

Сиёсий раҳбарнинг давр муаммоларига муносабати, жаҳон сиёсати майдонида эгаллаган ўрни унинг ва унга ишонч билдирган ҳалқнинг салоҳиятини ўзида намо-

¹ Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве. М., Наука, 1972. с. 80. (Таржималар муваллифники. — Мух.)

ён этади. Шу маънода юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузалари тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. “Дарҳақиқат, Ислом Каримов — тарихий ва ижтимоий ҳодиса. У мутлақо янги даврнинг мутлақо янги услубдаги одами”¹.

Президентимиз раҳбарлигига амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни чукур таҳлил этиш, юртбошимизнинг юксак ақл-заковатга эга оқил, доно раҳбар сифатидаги фазилатларини ҳамда илмий асарларини ўрганиш биз — олимум тадқиқотчиларнинг асосий вазифасидир.

Ушбу китоб йўлбошчимизнинг сиёсий етакчи сифатидаги нотиқлик маҳорати тадқиқига бағишлианди.

Ислом Каримов нутқлари билан асарларида уйғунлик, яхлитлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб, юртбошимизнинг кўпжилдлик асарларини асосий тадқиқот манбаи деб белгиладик.

Мазкур тадқиқотнинг юзага келишида кўрсатган ёрдамлари, қимматли маслаҳатлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўқитувчиларига, хусусан филология фанлари доктори, профессор

¹ Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. — Т.: Шарқ, 1998. 12-б.

Н. Комилов, тарих фанлари номзодлари, доцентлар Ф. Эргашев, М. Қирғизбоев, филология фанлари доктори Н. Жумахұжага чуқур миннатдорлик билдираман.

**Давлатни бошқариш санъати –
санъатларнинг эңг улуғидир.
ДЕМОКРИТ**

БИРИНЧИ БОБ

СИЁСАТ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Билгилки, одамзоднинг шарафи
нутқи билан ва нутқ одобига риоя
қылмаган одам бу шарафдан
бебаҳрадир.

1.1. Илмий-сиёсий услуг хусусиятлари

Илмий услуг тилшуносликада кам ўрганилган, илмий атамалар күпроқ тадқиқ этилген. Ҳолбуки, илмий услуг — атамашуносликка қараганда кенг тушунча. Шунга қарамай, XX асрнинг 30-йилларигача илмий тилнинг тарихи, хусусиятлари филологларни деярли қизиқтирган. Илмий адабиётлар жағон фани хазинасини бойитган, мамлакатлар тараққиетига катта хизмат қилаётган бўлса-да, бу илмийликнинг сир-асорларини ўрганиш ҳамон қониқарли даражада эмас.

Илмий услуг (кўпинчча “илмий тил” деб нотўғри ишлатилади) фаннинг ўзида содир бўлаётган янгиликлардан анча орқада қолди. Агар Оврупода мазкур услуг лотин тили (илмий адабиётлар асосан шу тилда битиллар эди) билан кураш жараёнида шаклланган бўлса, Ўрта Осиёда IX асрлардаёқ ана шу услубда кўплаб асарлар яратилган.

Илмий услуг масаласига тарихан эмас, типологик жиҳатдан қарайдиган бўлсак, уни мутахассислар илмий-техник, илмий-публицистик, илмий-оммабоп ва бошқа турларга ажратади.

Илмий-сиёсий услуг — янги фикр, билимдонлик маҳсали. Бадиий услубда нарса ва ҳодисалар бадиий образ, тафаккур орқали тасвирланса, ёзувчи архаизм (қадимги), историзм (тариҳий), диалект (шевада сўзлашув), жаргон (сунъий сўзлашув), вулгар (кўпол) ҳамда ҳалқона соддатил унсурларидан фойдаланса, илмий-сиёсий услубда изохлар, атамалар, мисол ва фактик материаллар кўп кўлланилади. Аммо фикрлар бир-бирига мантиқий боғланади, изчил баён этилади. Изчилликни юзага келтириш мақсадида ўзига хос сўз ва бирикмалар (юқорида, қўйида, хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан келиб чиқиб ва х.к.) ишлатилади¹.

Ислом Каримов асарларини ўрганиш, тадқик этиш жараёнида илмий-сиёсий услуг хусусиятлари ва нутқ маданияти, нотиқлик маҳоратига оид илмий тадқиқотлар кам қилинганига дуч келдик. Бу — кишини ташвишлантиради. Умуман олганда, матбуот, радио, телевидение, кино ва саҳнада нутқ маданиятини юқори даражага кўта-

¹Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Т.: ФАН, 1984. 149-б.

ни пухта баландаб оли. Аммо ришда, миллий тил соғлиги, жозибадорлигини оширишда нутқ маданияти етакчи ўрин тутади. Мазкур соҳаларда адабий тил меъёрларига қанчалик риоя этилаётганлинини ўрганиш шу соҳанинг ривожланиши билан бирга, мавжуд камчиликларни тузишига хизмат қиласди, деб ўйлаймиз.

Нутқ маданияти илмий муаммо сифатида биринчи марта 1926 йили "Прага лингвистик мактаби" томонидан кун тартибиға қўйилган эди. Бу мактаб 1929 йили машхур илмий дастурларини эълон қиласди. Унда: "Тилнинг тозалиги учун қайғуриш нутқ маданиятида ўз ифодасини топади", деб ёзиб қўйилган эди. Шундай қилиб, чех тилшунослари 30-йилларда ёк янги соҳани шакллантиришга муваффақ бўлдилар. Бироқ маҳсус лингвистик соҳанинг тадқиқот объекти бўлган нутқ маданияти масаласи Ўзбекистонда 60-йилларга қадар ўрганилмади. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, илмий тилдаги нутқ маданиятини кўтариш ҳақида гап очиш ва илмий далиллаш кимлардир томонидан миллатчиликда айбланишга олиб келса, иккинчидан, рус тили турганида миллий маданият тараққиёти ҳақида гапириш мумкин эмас эди.

Ниҳоят, 1966 йилга келиб ЎзФА Тил ва адабиёт институтида нутқ маданияти сектори ташкил этилди. 1969 йил 21-29 майда Тошкентда, ЎзФАда нутқ маданиятига ба-

ғишланган I республика тилшунослик конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ЎзФА вице-президенти, академик И. Мўминовнинг нутқи, таникли тилшунос олимларнинг ўттиздан зиёд маърузалари катта қизиқиш билан тингланди. Конференция долзарб масала — нутқ маданияти аҳволини илмий тадқиқ қилиб, бу борада катта вазифаларни белгилаб олди. Мана, конференция қароридан парча: “Нутқ маданиятига оид қўлланмалар яратиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, матбуот, радио ва театрларда лекция, сұхбатлар ўтказиб туриш, телевидениеда ҳар ойда эшиттиришлар тайёрлаш, ҳар йили “Нутқ маданияти масалалари” тўпламини чиқариб туриш, олий ва ўрта мактабларда она тили ўқитиши ва нутқ маданияти даражасини кўтариш, педагогика институтлари ва университетларда стилистика ва нутқ маданияти маҳсус фан сифатида ўқитилишини режалаштириш, ўрта мактабларнинг юқори синфларида она тили дарсларини тиклаш сўралсин”.¹

Ҳа, илмий конференция ўзбек адабий тили нутқ маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб (ўша даврда бу масала Москва розилиги билан амалга ошган. — Б.О.) амалий ва назарий масалалар-

¹ Нутқ маданиятига оид масалалар. Тўплам. Т.: ФАН, 1973. 206-6.

ни пухта белгилаб олди. Аммо, афсуски, ажойиб режа-истаклар тўлалигича амалга ошмай, қоғозда қолиб кетди.

1991 йилда истиқлолга эришдик. Фан, маданият ва маънавият соҳасида катта имкониятлар эшиги очилди. Демак, бундан роса йигирма иккى йил муқаддам ЎзФА илмий конференцияси қарорида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқариш фурсати келди. Негаки, нутқ маданияти инсоннинг маънавий ҳаётида, унинг маданий савиясини кўтаришда, илмий ва бадиий тафаккурини такомиллаштиришда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда илмий-сиёсий услуг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. IX асрда ёқ Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, кейинроқ Абу Али ибн Сино математика, астрономия, география, тиб илмида салмоқли илмий асарлар яратдилар. X асрда Абу Наср Форобий файласуф, жамиятшунос, табиатшунос сифатида донг таратиб, “иккинчи Аристотел” деган шарафга сазовор бўлди. Унинг замондоши Абу Райхон Беруний геодезия, минералогия, этнография, тарих фанлари ривожига улкан ҳисса кўшди. “Шайх ур-раис” номини олган Абу Али ибн Синонинг илмий асарларини ҳам Шарқу Farbda яхши билишади.

Хуллас, IX-X асрларда Бухоро ва Хоразм ҳақиқий илм маркази, жаҳон маърифат ахлига сабоқ берувчи зиё масканига ай-

ланган эди. “Оврупо Шарқдан саводхонлини, аниқ фанлар ва уларни эгаллаш усулларини, дәхқончилик, чорвачилик илмларини, денгизда сузиш ҳунарини, ҳарбий техникини ўрганиб олди”.¹

Марказий Осиёда илм-фан, илмий-сиёсий услуг Оврупога нисбатан анча илгари шаклланган эди. Ирландиялик йирик олим М. Уотт бир буюк ҳақиқатни тан олади: “Овруполиклар мусулмон маданияти..., айниқса, фалсафа ва адабиёт соҳасида ўзларининг қарздор эканликларини хис қилгандарича йўқ”.² Бу масалани ўрганишга чорак асрлик умрини сарфлаган таниқли оlimа Ф. Сулаймонова “Шарқнинг Оврупога таъсири уч ёқлама—араб Испанияси, норманилар Сицилияси ва бир неча бор тақрорланган салб юришлари орқали бўлди”, деб ёзади.

Бевосита нотиқлик санъати масаласига келсак, бу ҳақда Абу Райхон Беруний, Аз-Замаҳшарий, Зайниддин Восифий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Низомулмulk, Мирзо Улуғбек, Абулғози Баҳодирхонларнинг асарларида қисқача тұхталиб ўтилган...

¹ Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т.: Маънавият, 1999. 59-б.

² Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Farb. Т., Ўзбекистон, 1997. 314-б.

Бугунги ўзбек илмий-сиёсий услубини Ислом Каримов асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу асарлар улуғ тарихимизни, янги давлат пойдевори қўйилаётган давр, унинг муаммолари, келажак асослари, шунингдек, ҳалқимизнинг олижаноб фазилатларини ўзида ифода этиб қолмай, келажаги буюк Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Юртбошимиз илмий-сиёсий услубида, аввало, ўзига хослик ва ўзига мослик, улуғ ғояларнинг ҳалқона ифодаси мавжуд. Иккинчидан, бу услуг илдизлари, эслаб ўтилганидек, ота-боболаримиз ўрта асрларда яратиб кетган анъаналарга бориб тақалади. Учинчидан, илмий услубнинг бош талаби — фикр аниқлиги бўлса, Ислом Каримов нутқлари, маъруза ва асарларида фикр фавқулодда тиниқлиги билан тингловчи ва китобхон эътиборини ўзига тортади.

Юртбошимизнинг маърӯзалари, рисолалари, телевидениедаги чиқишлиарида, республика ва хориж журналистлари билан мулоқотларида фикрлар равшан, салмоқли, обдон пишитилган, қиёмига етгандир. Нотиқ ҳар бир чиқишида масалани аниқ кўяди ва уни тўғри ечиш йўлларини кўрсатиб беради. Демакки, бу нутқларда ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни илмий жиҳатдан тўғри баҳолаш, мантиқнинг кучлилиги жонли сўзнинг тингловчиларга етиб боришини осонлаштиришда, илмий хуло-

саларнинг тезда уқиб олинишини кучайтиришда, айрим мураккаб тушунчаларни очиб беришда кўл келмоқда.

Ислом Каримов чет эллик журналистлар билан учрашувларида, вилоят кенгаши сессияларида чиқишиларида халқнинг “илмоқли” иборалари, мақол ва ҳикматли сўзларини жуда ўринли қўллайди. Масалан, “қарс икки кўлдан чиқади” дейди юртбошимиз бир вилоят сессиясида. Бир нутқида эса “Халқимизда ўн кўшчига – бир бошли”, деган ибора ишлатилади, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига ишонган, ихлос кўйган, деган фикрни илгари суради. Бошқа бир маърузада “Кўрқан олдин мушт кўтарар” деган нақлни тилга олади. “Бу хил дастурларнинг тагида “мендан кетгунча эгасига етгунча” деган нарса ётибди”, дейди “Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар” рисоласида. Президент бу ўринда совет тузуми давридаги хом хаёлга қурилган “Озиқ-овқат дастури”, “2000 йилгача уйжой қуриш дастури”ни кескин танқид қилаёттир. Ҳа, юртбошимиз нутқларида умумхалқ ва давлат манфаатини кўзлаб айтилган танқидий фикрлар, гоҳида истеҳзо, гоҳида киноя тарзида қўлланган мақол ё ҳикмат, халқона ибора билан янада таъсирчанлик касб этади.

Хорижий журналистларнинг кескин саволларига ҳам нотиқ ҳозиржавоблик билан, ҳикматлар воситасида жавоб беради. Ма-

салан, “Труд” газетаси мухбири саволларига жавобларида “Ўзбекларда “аввал таом, сўнгра калом” деган гап бор”, дейди. Ва сұхбатдошига бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ жараённи ҳаётий мисоллар орқали содда тилда тушуниради. Бошқа бир жавобида эса журналистга “Коса тагида нимкоса бор” лигини айтиб, мулоҳаза қилишга ундаиди.

“Доноларимиз бир кун жанжал чиқкан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар, – дейди Ислом Каримов 1995 йил 2 ноябрда Фанлар Академияси бир гурӯҳ олимлари билан учрашув чоғида. Сўнг фикрини давом эттириб, шундай дейди: – Бу ҳикматни теран тушуниш керак. “Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас”, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узок-яқин юртларни кўриб келаётгандар кўзи очилиб қайтияпти”.

Нотиқнинг ҳозиржавоблиги, халқ ҳикматлари ва мақолларни бу қадар ўринли ишлатиши, турган гапки, ақл-идрок, тафаккур маҳсулидир.

Президентимиз фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан сұхбатлар салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳар бир учрашув ёхуд сұхбат замирида юртбошимизнинг ёрқин сиймоси, унинг мақсад ва интилишлари яққол намоён бўлади. Масалан, “Танлаган йўлимиzinинг тўғрилигига ишончимиз ко-

мил" номли 1996 йил 16 февралдаги бир гурух Россия оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан ошкора мулокот кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Унда Ислом Каримов ҳар жиҳатдан комил сиёсий арбоб эканлигини намойиш этган. Ҳатто ҳарбий соҳага оид савол берган журналист "Сиз бари бир айтмайсиз", яъни бу соҳадаги ишларни сир тутасиз, деган маънода гапирганида, унга жавобан "Нега айтмас эканман? Ҳамма рақамларни айтиб бераман" дея мудофаа ҳаражатларини санаб ўтади. Қизиги шундаки, ўша сухбатда айтилган, ҳали кўпчиликка номаълум бўлган, кишини огоҳликка ундаган фикрлар тўғри эканлигини бугунги кунга келиб билмоқдамиз. Ақидапарастлик, террорчилик хавфи, МДХ сиёсатчиларининг масалага лоқайд қараётгани, бу оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги мулҳозазлари юртбошимизнинг жуда узоқни кўзлаб иш юритишидан далолат бермайдими?!

Биз XX асрнинг таникли сиёсий раҳбарлари биографиясини варактаб, матбуот ва телевидение улар ҳаётида етакчи роль ўйнаганини кузатдик. Э. Иваняннинг "Жорж Вашингтондан Жорж Бушгача" китоби қизиқарли фактларга бой бўлиб, унда АҚШда турли даврларда хукмронлик қилган 40 президентнинг портрети гаройиб далиллар асосида чизиб берилади. Булар орасида, айниқса, истеъодли шахс — Жон Ф. Кен-

неди ҳаёти кўпчиликда қизиқиш туғдиради. Китобда ёзилишича, Ж. Кеннеди телевидение имкониятларини юқори баҳолаган экан. У Оқ уйга келган илк кунлариданоқ матбуот котиби Пьер Сэлинжер берган маслаҳатга кўниб, радио ва телевидениега кетма-кет матбуот конференцияларини бера бошлади. Илк матбуот конференциясини "ойнаи жаҳон" орқали 65 миллион киши томоша қиласди. "У билан телевидение камераси гўёки бир-бири учун туғилгандек эди,— деб ёзди сиёсатчи Д. Халберстам. — Телевидение президентнинг биринчи ийрик сиёсий юлдузи бўлди. У телевидение нинг обрў ва қудратини оширди, ўзи ҳам қудратли одамга айланди. Улар бир-биридан яхши фойдаланишиді"¹. "Ойнаи жаҳон" президентни ҳалқ орасида тезда машҳур қилиб қўиди. Оқ уйда ўтказган ўттиз тўрт ойлик фаолияти мобайнида Жон Кеннеди 64 маротаба матбуот конференцияси ўтказди. Америка телевидениеси томонидан олтмиш учтаси олиб берилди, бундан ташқари, у Оқ уйдан туриб тўққиз марта ҳалқа муарожаат қилганди...

Ислом Каримов фаолиятида ҳам оммавий ахборот воситаларининг ўрни юқоридир. Ҳар бир газетхон ёки томошабин юртбошимизнинг нутқлари ва телевидениеда

¹ Иванян Э.А. От Джорджа Вашингтона до Джорджа Буша. М.: Политиздат, 1991. С.81.

ги чиқишиларини дикат билан кузатиб боради. Самимий, жонли тилда сўзланган нутқларни эътибор ила тинглаб, давраларда муҳокама қилишади. Чунки нотиқ халқнинг дили ва тилидагини, эл-юрт манфаатларини ҳимоя қилиб фикр билдиради, йўлйўриқ кўрсатади.

Катта тажрибага эга давлат раҳбаримиз “**ҳар қандай мухолиф билан баҳслашмокқа тайёр**” лигини ҳамиша намоён этиб келади. Унинг 1993 йил 26 майда “Труд” газетаси мухбири саволларига жавобларида шундай сатрлар бор: “Баҳслashiш, ўз нуқтаи назаримни айтиш, яхши амалий баҳсларда ўзимнинг ҳақ эканлигимни исботлаб бериш мен учун ҳам қизиқарли. Очигини айтсам: мен қаттиқўл одамман, аммо ишонарли ва далил-исботи билан эътиroz билдиришса, бундай одамларни ҳурмат қиласман”.

Президент учрашувларда кутилмаган мулоҳазалар айтиб, парадоксал тасдиқлаш усулидан ҳам унумли фойдаланади. Мисолларга мурожаат қилайлик: “Қайси ишларда қонун бузилган? Қаерда ва қайси ўринларимиз нотўғри ёки демократик халқаро меъёрга мос келмайди, айта қолсинлар?” дея эътиroz билдиради жаноб Бейкерга қарата. Сўнг Ислом Каримов “Комсомольская правда” мухбирига ўша вазиятни куйидагича тушуниди: “Мен унга “Қандай қилиб эътибор бермайман. Мен сизнинг

ички ишларингизга аралаша олмайман-ку. Сиз у ерда давлат котибисиз, Буш жаноблари эса — Президент. У Адлия вазирлигига бирон-бир партияни қонунга хилоф равишда рўйхатга олишни буюра оладими?”

Бу ўринда нотиқнинг ўзига хос принципи, мантиқий асосда қатъият билан масалага ёндашиш тарзи намоён бўлади.

Яна бир мисол. 1990 йилда Намангандаги ақидапараст ваҳҳобийлар осойиштатликка таҳдид қилишганида Президент бориб, улар билан юзма-юз, очиқ гаплашди. “Залдагилар эса қутуриб авжига миндилар, ғала-ғовурда Ислом Каримовнинг дастлабки сўзларини эшитиб ҳам бўлмади, — деб ёзди публицист Олег Якубов “Қашқирлар галаси” асарида. — Лекин Президент атайин паст овозда сўзини давом эттириди ва пировард натижада ҳаммани тинчланишга ва тинглашга мажбур этди.

— Мен ҳеч қанақа дўқ-пўписадан қўркмайман, мени чўчитаман деб хомтама бўлманглар, — деб сўз бошлади Ислом Абдуғаниевич. — Мен сизларни алдашим, ҳамма талабларингизга розиман, деб айтишим, фармонни имзолашим, вақт ўтгач, барча хужжатларни бекор қилишим ҳам мумкин эди. Ёки бўлмаса, бу ердан чиқиб кетгач, қўшин, милиция чақириб бирпасда тартиб ўрнатиш ҳам мумкин эди. Бироқ мен Президентман, эркак кишиман, сўзим сўз,

ўз ваъдамнинг устидан чиқишига одатланганман.”¹

Тўғри, принципиал сўз, қатъият бу ўринда жасурлик билан уйғуналашиб кетган. Президент уларнинг “даъво”си ножоиз ва қонунга зид эканлигини асослаб тушунтиради.

Юртбошимиз нутқларида кўп қўллайдиган усулларидан яна бири — риторик сўроқдир. Бу, одатда фикрни сўров шаклида ифодалаш бўлиб, кўпинча интонацияни кучайтиришига хизмат қиласди. Куйидаги мисолларга эътибор қилинг: “Хўш, уларнинг дастури борми? Улар кўп миллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар?” (1 жилд, 151-бет). “Бугун биз, бутун Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, Ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турган пайтимиизда “сен — зоминликсан”, “сен — форишликсан” ёки “сен — жиззахликсан” деб тоифакашлик, тарафкашлик қилиш гуноҳи азим эмасми?! Қачон биз халқ бўламиз, қачон тўдабозлик ва гурухбозлик касалидан халос бўламиз?!” (1.177). “Тожикистон “тажриба”сини бүёққа олиб келиш шунчалар зарурми? Қон тўкиш, одамларни бир-бирига гиж-гижлаш, миллатни бўлиб ташлаш кимга наф келтиради? Қон тўкиш билан, одамларни нобуд қилиш йўли

¹ Якубов О. Қашқирлар галаси: террорнинг қонли изи. Т.: “Ижод дунёси” нашриёт уйи, 2000. 43-б.

билан мақсадга эришиш қачондан бери демократия бўлиб қолди?” (1.34). “Ҳамма жойда — хўжалик, туман, вилоят, республика погоналарида ўз масъулиятини сезмаган, тўртта одамнинг бошини қовуштиромаган кимсаларга нима учун минбарни бериш керак? Умрида бирор амалий иш қилмаган одам бу ерга келиб ақл ўргатса, нега унга кулоқ солиш керак?” (1.35).

Ислом Каримовнинг илмий-сиёсий услубига хос жиҳатлар нималардан иборат?

Аввало, нутқлар композицион пишиклиги, илмий-сиёсий тўқмагизлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар бир нутқ билим ва тафаккур меваси, у китобхоннинг маънавий оламини бойитишга, янги давр — истиқдол ва ўзгаришлар, бунёдкорлик руҳига дахлдорлик туйғусини шакллантиришига хизмат қиласди. Нотиқ кўп йиллардирки, давлат ва жамият курилиши, сиёсий, иқтисодий, маърифий, ҳуқуқий тизимларни шакллантириш, ислоҳотлар ҳақида фуқароларимизга янги тушунчалар беришдан чарчамайди. “Мустақиллик”, “ислоҳот”, “мафкура”, “маънавият”, “фуқаролик жамияти”, “тарихий хотира”, “лавозим”, “адолат”, “қонун”, “мулқдор”, “инсон”, “ҳуқук”, “таҳдид”, “барқарорлик”, “кафолат”, “келажак”, “дахлсизлик” каби атама ва сўзлар юртбошимиз таъкидлари остида тасаввур оламимизда алоҳида қадр ва юксак мақом касб этганлиги хеч кимга сир эмас.

1.2. Оғзаки нутқ имкониятлари

Ҳар сўзни халойикқа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойик сенинг сўз била баланд мартабага эгалигингни билсунлар.

КАЙКОВУС. "ҚОБУСНОМА"

Оғзаки нутқ билан ёзма нутқ бир-бираидан маълум даражада фарқланади. Маълумки, оғзаки нутқ ёзма нутқа қараганда анча қадимийдир. Буюк қомусий олим Аристотел айтганидек, "талаффуздаги сўзлар — ақлий тажрибанинг аломатлари бўлса, ёзувдаги сўзлар талаффуздаги сўзларнинг белгилари"dir.

Ҳар бир нутқ маълум бир мақсадга қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан олганда, нутқ тантанавор, қизғин, шоирона, профессионал, сўзлашув, саҳна, бадиий, фольклор, нотик, муаллиф, диалектик нутқ каби турларга бўлинади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йилнинг 24 февралида Соғлом авлод Давлат дастури ишчи гурӯҳи, шу соҳа мутахассислари билан мулоқотини қизғин сўзлашув нутқи¹, деб аташ мумкин.

Мулоқотни телевидение орқали миллионлаб томошибинлар томоша қилдилар.

¹ Қаранг: "Тафаккур" журнали, 2000, 2-сон.

Президент ўртага ташлаган фикрлар, илгари сурган масалалар ифодаси содда ва самимий эканлиги билан диққат-эътиборни ўзига жалб этди. Соғлом авлод Давлат дастури мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етказилди. Бошқа нутқларда кузатилганидек, нотик тўғри ва кўчма маънода ишлатиладиган сўзлар, ўҳшатиш, киноя, мақол ва қочиримлардан фойдаланмади. Негаки, сұхбат танқидий, таҳлилий руҳда бўлиб, мушоҳадаталаб вазиятда кечди...

Нотик нутқида одатдаги композицион қурилиш бузилмаган: у кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат. Киришда давлат аҳамиятига молик Соғлом авлод дастури қабул қилиниши foяси туғилиши тарихига қисқача тўхталиб ўтилади. Сўнг "Соғлом авлод" тушунчаси талқинида ноаниклик (абстрактлик), тушунмовчилик, ҳатто янглиш қабул қилиш ("оилани режалаштириш" деган талқинлар) содир бўлаётганилигига эътиборни қаратади. Асосий қисмда дастурдан кўзда тутилган асосий мақсад атрофлича тушунирилади, нотик олти йўналишда иш олиб бориш зарурлигини ҳайтий мисоллар асосида исботлаб беради. "Хулоса" қисмida дастурни бажаришда соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия тизими, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла жамғармаси, тегишли ташкилотлар, матбуот, телевидение ҳамда кенг халқ оммаси олдида турган вазифалар белгилаб берилади.

Юртбошимиз шу масалага масъул бўлган ҳар бир кишини куруқ гапдан энди амалий ишга ўтишга ундейди. Бу—талаб, таъкид, чақириқ оҳангидга ифодаланади.

Нутқда “керак”, “зарур”, “мумкин”, “лозим”, “шарт” сўзлари боғлама вазифасида кўп қўлланган. Суҳбат (диалог) нутқда, юқорида уқтирилганидек, муаммоли масала қўйилганда, у кўпинча сўроқ гап тарзида баён этилиб ўртага ташланади. Бунда тингловчининг дикқат-эътиборини керакли фикрга қаратиш, қизиқтириш, фикрни таъкидлаш мақсадлари кўзда тутилади. Масалан: “Ўғил-қизларимиз психологиясида нималарни шакллантириш керак? Эртага турмуш қурмоқчи бўлган ёшларимизни нималар кутмоқда? Уларнинг олдида қандай ҳаёт синовлари турибди?” Салдан кейин нотик энди маҳсус стилистик усулларни қўллашга ўтади, яъни, тақрор, риторик сўроқ, риторик мурожаатни ишлатади. Эътибор беринг: “Ўғил-қизларимиздаги балоғат ёши билан боғлиқ ўзгаришларни кимдир тушунишибириб бериши керакми-йўқми?”

Нотик сўзлаяпти. Тингловчилар жим. Чунки улар янгича тушунчага эга бўлиб, тасаввур дунёси бойимоқда. Қўйилаётган савол, муаммолар ечими бўйича талаб якка бир шахсга эмас, балки умумга қаратилмоқда.

Ислом Каримов жамоатчиликка тушунарли бўлсин, деган мақсадда ҳар бир маса-

лага ойдинлик киритади. “Тўртинчи йўналиш— бир ёшгача бўлган болаларни вояга етказиш масаласи. Бу ёшда болаларни парваришиш алоҳида дикқат-эътиборни, маҳсус шарт-шароит яратилишини талаб қиласди. Бутун дунёда бир ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим ҳолатлари алоҳида хисобга олиниши бежиз эмас. **Инсон ҳаётининг биринчи йили энг нозик, энг қалтис давр ҳисобланади**”.

Юқоридаги мисолда “энг” сўзи тақрор ишлатилди. Буни табиий ҳолат, деб қараш лозим. Гап таркибида бундай сўзларнинг кўлланилиши кўпчилик ўринларда тилнинг тарихий шаклланган ҳолати ва ҳозирги меъёрларига халақит бермайди. Соддароқ қилиб айтганда, бир хил ўзакли сўзларнинг синонимини қўллашга ҳар доим имкон бўлавермайди. Бирор тушунчани таъсирили ифодалаш зарурати туғилганда, айни сўзни гапда яна тақрорлашга эҳтиёж туғилади. Масалан, “... тұғилған бола соғлом ўссин, үлғайиб вояга етгач, жамиятимизнинг баркамол аъзоси бўлсин, янги куриладиган оиласдан янада соғломроқ авлод бунёдга келсин”. Соғ ўзбекона, фалсафий тилда айтилган сўзлар! Дехқонга, ўқитувчига, талабага ва олимга бирдай тушунарли. Нотик давом этади: “Ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзанд, соғлом зурриёт қолдириши кераклигини англаб етса, эҳтимол вақти-соати келиб

биз шундай мамлакатга айланамизки, унда энг соғлом миллат ва элатлар истиқомат қиласди". Аслида ҳам шундай. Ота-она азиз фарзанди учун умрини бағишлайди, ҳатто жонини беришга тайёрdir.

Нотик мұаммоли масалани таҳлил қилар экан, халқ ҳаётидаги тарбияға дахлдор турли ҳолатларни жуда асосли ифода этади. **"Ким поку ким нопок, ким оиласини қандай йўл билан бокяпти, ким топган-тутганини фарзанд тарбиясига, ким машина ёки ҳашаматли уй-жойга сарфляпти — хуллас, ҳаётнинг қайси бир томонига назар ташламанг, одамлар ўз фазилатлари ва ёки, аксинча йўл қўяётган кусур ва камчиликлари билан ўш авлод тарбиясига муайян таъсир ўтказаётганига гувоҳ бўласиз"**. Ахир, бу сиз билан бизнинг ички дунёмизни, интилишларимизни очиб берувчи аччиқ ҳақиқат-ку.

Мана, Соғлом авлод йилида ёзувчиларга мавзу!

Давлатимиз раҳбарининг нутқлари ана шундай мушоҳадаларга бойлиги, фикрлар кўламдорлиги, таъсирчанлиги билан жамоатчиликда яхши таассурот қолдиради.

Нутқларда таққослаш усулидан ҳам ўрнида унумли фойдаланилади. **"Такрор айтаман, биринчи шарт, — дейди нотик, — инсоннинг, ота-онанинг тафаккурини ўзгартиришдан иборат...** Айрим отоналар дабдабали уй-жойлар қуради,

тўкиб-сочиб тўй қиласди, қатор-қатор машинали бўлади. Ваҳоланки, суриштирсангиз, боласининг қаерда ким билан юриши, вақтни қандай ўтказиши, қандай билимга эга экани на отани, на онани қизиқтиради".

Дарҳақиқат, биз истиқлол даврида аллақачон алдоқчи ҳою ҳавасларга, дабдабозлика чек қўйиб, соғлом фикрга, таълим-тарбияға бутун эътиборни қаратсак, бу — миллатни юқори погонага олиб чиқишига хизмат қилган бўлар эди. Президент сұхбатда шу долзарб масалани ҳам илгари суради.

Мулоқотда асосан икки катта мақсад ўртага ташланади. Биринчиси, қайд этилган соғлом авлод масаласи бўлса, иккинчиси, баҳтли ҳаётга эришишдир. Бутун саъй-ҳаракатларимиз айни шу эзгу ишларга қаратилгандир.

Кўриниб турибдики, нотикнинг оғзаки нутқида тўлақонли мантиқий изчиллик мавжуд. Бу — фикрнинг бир-бирига табиий боғланишида, изчил баён этилишида, таъкиднинг илмий нутқ учун меъёр эканлигига акс этади.

Илмий нутқнинг ифода усули шундайки, у бошидан охиригача мухокама юритиш ва исботлашдан иборат бўлади...

Энди нутқнинг композициясидаги хулоса қисмига қисқача тўхталиб ўтсак. Хулосада асосий қисмда ёритилган масалалар-

га якун ясалади. Олинган илмий янгиликларнинг асосий мазмуни, натижалари сонлар билан 1, 2, 3 тарзида ёки хатбошилар билан ажратилган ҳолда бирин-кетин сабаб берилади. Шунинг учун илмий баённинг хulosса қисми энг зарурий композициялардан бири ҳисобланади. Тингловчи (ўкувчи) охирида, турган гапки, ўзига керак бўлган энг зарур илмий маълумот ва хulosаларни олади. Одатда, бу қилинган амалий (илмий) ишларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Ислом Каримов Соғлом авлод Давлат дастурига бағишлиланган нутқининг хulosса қисмida олтита йўналишни кўрсатиб ўтади:

Биринчи йўналиш — мактабларда ўқиётган, таълим олаётган ёш авлод, аввало қизларимизнинг тарбияси.

Иккинчи йўналиш — оила қуриш, шунингдек ота-она, қайнона-келин тарбияси.

Учинчи йўналиш қизларга, аёлларга тўғри муносабат, шароит яратиб бериш.

Тўртинчи йўналиш — бола туғилгандан кейин бир ёшга тўлгунча шароит яратиб бериш.

Бешинчи йўналиш — беш-олти ёшгача бўлган болалар тарбиясини ташкил қилиш.

Олтинчи йўналиш — туғма касаллик билан туғилган ногирон болаларга ғамхўрлик қилиш.

Юртбошимизнинг бу илмий нутқи оила маърифати ва маданиятини оширишда

муҳим босқичгина бўлиб қолмай, Соғлом авлод моделини яратишда асос вазифасини ҳам ўтайди.

Хulosса қилиб айтганда, биз алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида таҳлил қилган юқоридаги нутқи — миллатпарварлик, инсонпарварлик, миллат дардларига дармон бўлишнинг (Амир Темур) ҳаётий намунасидир.

1.3. Омма сиёсий кайфиятини йўналтиришда сўзнинг ўрни

Сен барча сўзларни билим билан сўзлагин, барча кишини билими учун улуғлагин.

ЮСУФ ҲОСҲОЖИБ

Раҳбар нотиклик маҳоратининг қалити — тилдир. Заковат ва билимнинг очқичи ҳам тилдир. Одамни тил улуғлайди, уни баҳтиёр қиласди. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўз — қудратли ва буюк воситадир.

Мана бу жонли мисолда юртбошимиз сиёсий вазиятни кенг жамоатчилик учун нечоғлиқ аниқ-тиниқ ифода этиб берганига гувоҳ

бўламиз. “Ўтган йилнинг май (1992 йил –Б.О.) ойида Тоҷикистонда тўнтариш юз бериб фуқаролар уруши бошланган, одамларни кўйдириб, аёлларнинг қорнини ёриб ташлаган, қўлларини кесиб, бошларини танасидан жудо қилишган, хуллас, ваҳшийлик билан ўттиз мингдан ортиқ одам қириб ташланган пайтда бу кўргилик кимнинг ёрдами билан бўлмоқда, деб ҳеч ким ўзига ўзи савол бермади”. (1.159). Юқорида фуқаролар уруши жафокаш ҳалқ бошига қандай кулфат келтиргани таъсирчан изоҳлаб берилган.

Ҳаётда ишчи, деҳқон, тадбиркор ё ўқитувчи ташаббуси билан раҳбар ташаббуси уйғунлашгандагина кутилган натижага эришилади. Президентимизнинг 2000 йил 22 январда Олий Мажлис I сессияси минбаридан туриб “Ташаббус сўнмасин – ташаббус ўлмасин!” деб айтган оташин давлати ҳам омма сиёсий кайфиятини кўтаришга хизмат қиласди.

Илмий услубнинг муҳим жиҳати шундаки, унда мавҳумлик, ноаниқлик бўлмайди. Аниқлик, топқирлик, мантиқийлик, сўз ва ибораларни ўз ўрнида кўллаш, янги ғоялар, концепциялар, тамойилларни ўртага ташлаш зарур бўлади. Ислом Каримов нутқларида ана шу илмийлик ва холислика амал қилинади.

Нутқнинг мазмунли, таъсирчан бўлиши, аввало, унинг “хамиртуруши” бўлмиш

фикрга, сўзларни тўғри танлаб, фикрни таъсирли ифода этишга кўп жиҳатдан боғлик. Юртбошимиз барча нутқларида, рисолаларида ҳалқона ташбеҳлар, ҳикматли сўзларни ишлатадики, бу – аудиторияда, албатта, унутилмас таассурот қолдиради. Ўз устида тинимсиз ишлаш, она тилимизнинг мўъжизакор қудратидан тўла баҳраманд бўлиш, сўзнинг таъсир кучини нозик ҳис қилиш, машхур нотиқлар ҳаётини ўрганиш, ижодий изланиш бунда муваффакиятлар калити бўлиб хизмат қилаётир.

Ислом Каримовнинг жонли мулоқоти ўзига хос. Бошқача қилиб айтганда, Президент нутқи – диалог нутқ. Нотиқ тингловчилар унинг сўзларини қандай қабул қилаётганини қалбан ҳис этиб туради. У аудитория ҳолатига қараб, айрим сўзларни секинроқ, айримларини алоҳида ургу бериб талаффуз этади, овозини кўтаради ёки пасайтиради. Юртбошимиз бевосита ҳалқа мурожаат қилиб, ҳис-ҳаяжон билан юракдан гапиради. Кўп ҳолларда у тайёр маърузани бир четга суриб кўйиб, жонли сухбатга киришиб кетади. Шундай пайтда нотиқ янада очилиб фикрлашади, гўё юрагида, тафаккури хазинасида жамланган ўйлар тизилиб келаверади...

Дарвоқе, сўзнинг кучи ва қудрати туфайли ҳаётимизда учраб турадиган кўп мушкулликларни енгиб ўтиш мумкин. Бу ҳақда ота-боболаримиз яхши фикрларни ёзиб

қолдирғанлар. Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонида айтадики:

Бўйла булбул навоси сўздуру бас,
Нагма жонфиёси сўздуру бас,
Бўлмаса сўз ажаб бало бўлгай,
Булбули нутқ бенаво бўлгай.

Нотиқ ҳар бир нутқида инсон салоҳиятини энг фаол, энг бунёдкор омил, испоҳотларни амалга оширувчи, буюк келажакни яратувчи етакчи куч, деб билади. Шунинг учун юртбошимиз бунёдкор халқка суянади, ўз навбатида халқимиз унга ишонади, эргашади ва қўллаб-куватлайди...

1.4. Услубнинг тадрижий такомили

Барча иш-юмушлар заковат тифлии битади, беклар ҳам давру давлатта билим орқасидан эришадилар.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Президентимиз оғзаки ва ёзма нутқлари, нотиқлик маҳорати билан танишганда шунга амин бўласизки, унинг маҳорати серқирра. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов асарлари ўзбек сиёсий публицистикасининг энг ёрқин намуналари сифатида ҳар биримиз учун қимматлидир.

Муаллиф айрим сиёсий-иктисодий атамаларни халқона талқинда берадики, бар-

чага тушунарли бўлган бундай илмий услуб тингловчию китобхонни мамнун қиласди. Масалан: "валюта", "лицензия", "инфляция", "сертификация", "люмпенлашув", "холдинг", "лизинг компаниялари", "аудиторлик хизматлари" ва бошқа атамаларни юртбошимиз шунчаки келтириб ўтирамайди, балки батафсил изоҳ бериб, тушунча ҳосил қиласди: "Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш — люмпенлашув — мулкий қиёфани йўқотиш эди". Айрим атамалар эса содда, ихчам тарзда тушунтирилади: "**Бюджет** дегани бу — давлатнинг ҳамёни, чўнтаги".

Илмий услубда муҳим омиллардан бири таққослаш усулидир. Таққослаш аудиторида бир-биридан фарқни билишда, солиштиришда қўл келади. Нотиқнинг яна бир муҳим фазилати — илмий таҳлил жараёнида мисолларни бирма-бир санаб ўтишидир. Бу, турган гапки, масалани ойдинлаштириш, солиштириш, кенг қамраб олиш, хуносалар чиқаришда аскотади.

Истиқлол йилларида эълон қилинган Ислом Каримов асарларида синонимик қаторлар кўплиги ҳам тадқиқотчиларни қувонтиради. Масалан, уч ҳокимиятдан бири бўлган қонун чиқарувчи органни "анжуман", "машварат", "парламент", халқимизга озодлик нашидасини тухфа этган мустақилликни эса кўпинча "истиқлол", "озодлик", "эркинлик" тарзида қўллайди:

“Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли” ёки “Ислоҳотлар муваффақияти — истиқолол кафолати”. Асли истиқолол арабча сўз бўлиб, бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи идора этиш, мустақиллик, эркинлик деганидир.

“Боқиманда”, “охират”, “шаккоклик”, “сарҳисоб”, “сүгурта”, “тасарруф”, “тажовузкорона”, “тақвадор”, “таҳдид”, “хуррият”, “эътиқод” каби ўнлаб сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, синонимик қатордан гўзал бадиий ташбеҳлар яратиш Президент асарларининг илмий-бадиий салмоғини оширади. “Устувор” (русча “приоритетный”) сўзи, “устувор йўналишлар”, “устувор тамойиллар” бирикмалари айнан Ислом Каримов илмий асарлари орқали халқ орасида кенг оммалашди. Аслида устувор — маҳкам, мустаҳкам турувчи маъноларини ташийди. Баъзида нотик гуноҳи азим (улуг гуноҳ), кори хайр (хайрли иш) каби ибораларни жуда топқирлик билан ишлатади. Шу билан бирга, “инвестиция”, “интеграция”, “лицензия”, “конвенция”, “акция”, “санация”, “конвертация” сингари тилимизга эндиғина кириб келаётган халқаро сўзларга чукур маъноларни юклаб берадики, буларнинг ҳар бири таҳлилига узок тўхталиш мумкин.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” (1997) асари Ислом Каримовнинг илмий-ижодий фаолиятида янги босқични бошлаб берди,

десак хато бўлмайди. У мазмун-мундарижаси, фикрларга бойлиги жиҳатидан ба-шорат этувчи асар! Бу ҳақда республика ва хорижий матбуот саҳифаларида кўплаб эътироғли фикрлар билдирилди. Асар услуби ҳақида гапирадиган бўлсак, у ўзига хос, кенг қамровли. Муаллиф мазмунни тўлиқ етказиш учун ўнлаб сўз бирикмалирини янгича талқинларда кўллади. Масалан, экстремистик мухолифат, жангари миллатчилик, диний муросасозлик, то-талитар қарамалик... Аммо ҳар бир ҳолатда масаланинг моҳияти аниқ очиб берилган. Шунда китобхон муаллифнинг илмий салоҳияти воситасида мухолифат ва миллатчиликнинг турли-туман кўринишларини англаб, тушуниб олади. Китобда қадриятнинг маънавий ва умуминсоний, диннинг маданий, агрессив ва экстремистик жиҳатлари жонли мисоллар ёрдамида да-лилланади.

Президентимизнинг ижодий изланувчанлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Унинг асарлари — узлуксиз мушоҳада жараёнининг ноёб маҳсулларидир. Шу ўринда бир воқеани эслашга тўғри келади. “Ўзбекистон” нашриётида “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” китоби корректураси ўқиляпти. Унда “Буюк давлатчилик шовинизми ва миллатчилик” (китобда 49-бет) боби бор эди. Босиша руҳсат этишдан олдин муаллиф корректу-

рани яна бир бор кўздан кечирап экан, шу бобдаги "миллатчилик" атамаси олдидан "агрессив" сўзини кўшади. Бу тузатиш узукка кўз кўйгандек ўринлидир. Чунки "миллатчи" бўлиш — миллатни жонидан ортиқ севиш, деган маънони ҳам англатади. Агрессив эса тажовузкор деганидир. Мазкур бобда республиканинг тинчлиги ва барқарорлигига хавф солувчи, жанжални истовчи тажовузкор, жангари кимсалар ҳақида гап боради. Булар — давлат ва жамият учун ўта хавфли кимсалардир (1999 йил августидаги Қирғизистоннинг Боткент туманида, 2000 йил августида республикамизнинг Сариосиё ва Узун туманларида содир этилган тажовузкорлик юртбошимизнинг ҳақ эканлигини яна бир бор исботлади).

Шу тариқа кўпгина ўринларда "миллатчилик" сўзи "агрессив миллатчилик" ибораси билан янгича шакл олди. Ва биз—ноширлар сиёsatнинг янги-янги, унчалик илғаб бўлмайдиган қирраларидан хабардор бўлдик. Ваҳоланки, юртбошининг кўпжилдлик асарлари нашри жараёнида муаллиф томонидан қайта ишлаш ва таҳрирлар, фикрга сайқал бериш ҳоллари жуда кўп бўлган. Буни айтишдан мақсад — Президентимизнинг фалсафий мушоҳадаси кенглиги ҳамда сўз танлаш маҳорати, энг муҳими, сўзга нисбатан ниҳоятда талабчан эканлигини таъкидлашдан иборат.

Яна бир мисол. Юртбошимизнинг матн устида ишлаш маҳоратини чукурроқ ўрганиш ниятида Президент девонида бўлиб, иш жараёни билан танишдим. Жумладан, "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишлиган маросимдаги нутқ матни Президент томонидан бир неча бор, қайта-қайта таҳрир қилинганига гувоҳ бўлдим. Юртбошимиз ҳар гал матнга ўзига хос жуда зарур ўзгартиришларни киритиб, уни янада бойитиб, сайқал берган. Масалан: "Юрт деб, Ватан деб, эркинлик деб жон берган" сўзлари "Озод ва эркин Ватан учун жон берган"; "ўз ҳурмат-эҳтиромимизни из-ҳор этамиз" сўзлари "...бажо этамиз", дея ўзгартирилган; "оталаримиз" сўзи ўрнига "ота-боболаримиз" ибораси киритилган. Шунингдек, нотиқ баъзи жумлаларни ихчамлаштиради, ўчиради, фикрни янада ёрқинроқ очишига хизмат қиласидиган зарур қўшимчаларни киритади. Курилиш давомида ҳашарлар уюштирганларни санаб ўтаётуб, "муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат ахли" деган сўзларни алоҳида кўшиб кўйганига шоҳид бўлдик. Сал кейинроқда "буғунги унутилмас савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш" деган сўзлар ёзилганини кўрамиз. Айниқса, нутқ охирида юртбошимизнинг "Шу улуг ва бе-фараз ишларга ҳисса кўшган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон

бўлсин!" деган жумлани киритгани нутқнинг таъсирчанлигини оширибина қолмасдан, муаллифнинг ўз халқига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромидан далолат беради.

Ха, сўз масъулияти, сўзга ҳурмат ва нотиқлик маҳорати бобида юртбошимиздан ҳар қанча сабоқ олсак арзиди.

Етакчи раҳбарнинг миллатни уйғотадиган, дардига дармон бўладиган, фидокор бўлишга ундейдиган бундай асарларни битиши осонлик билан бўлмаётир. Бунинг учун муаллиф кўп ўқиган, кўпни кўрган, узоқни кўра биладиган, миллатпарвар шахс бўлиши керак. Шунда ҳар бир нутқ, ҳар бир асар ҳаётбахш гояларга бой ва таъсирчан бўлади.

Тил ва нутқ маҳоратига эса билим орқалигина эришилади.

Юртбошимиз аждодларнинг бебаҳо месросини, жаҳон файласуфлари ижодини, халқимизнинг ҳикматларини, энг муҳими, ҳаётни яхши билганидан нутқлари янги фикр ва гояларга бойдир.

"Кутадгу билиг"да "заковат ва билимнинг очқичи — тилдир", деб таъриф берилган. Ислом Каримов нутқлари янги давр зиёлисининг ёрқин фикрлари ифодасидир. Бу нутқларнинг мазмун-моҳияти Озодликни кўз қорачиғидек асраш, қадрига етишга даъватдан иборат.

Агарда Президентимизнинг илк асарлари — "Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар", "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақ-

киёт йўли" рисолалари билан "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..." китобини солиштирадиган бўлсак, мазмун кўлами, тил маҳорати жиҳатидан янада баркамол шаклланганини сезамиз. Шу маънода "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..." асарини йирик илмий-сиёсий тадқиқот намунаси, десак хато бўлмайди. Бу китоб Англия, АҚШ, Германия, Франция, Россия, Корея Республикаси, Покистон, Миср, Истроил, Туркия, Италия, Хиндистон, Руминия, Индонезия каби мамлакатларда йиғирмадан зиёд халқлар тилига таржима қилиниб, нашр этилгани ушбу асарга қизиқиши тобора кучайиб бораётганидан далолат беради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу асар дунёдаги энг атоқли олимлар, сиёsatшунослар томонидан юксак баҳоланган.

Ислом Каримов ўзининг халқпарварлиги, мардлиги, узоқни кўра билиши ва, албатта нотиқлик санъати билан халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Шу боисдан халқимиз давлатимиз раҳбарини "Ислом Каримов — Ватан озодлиги, эл-юрт равнақи тимсоли" деб эъзозлайдилар.

**Ҳамма қобилиятлардан энг яхиси — нутқ қобилиятидир.
КАЙКОВУС**

ИККИНЧИ БОБ СИЁСИЙ АСАРДА МАҚСАД ВА ИФОДА БИРЛИГИ

Азму жазм била иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қылган бўлсам, бугун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

2. 1. Янги ғояларнинг таъсирчан ифодаси

Президентимиз асаларида янги даврга қадам қўйган эркин шахс ғоялари ўз ифодасини топган. Бу ғоялар ўта халқчил бўлганилиги учун одамлар ягона мақсад йўлида бирлашиб, бутун куч-ғайратларини эзгу ишларга сафарбар этмоқдалар.

Мамлакатимиз 1991 йил 1 сентябрда истиқололга эришгач, халқни олға бошлидиган янги ғояларга катта эҳтиёж туғилган эди. “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” ғояси ана шундай буюк ғоялардан бири бўлди. Унинг муаллифи Ислом Каримов эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юртбошимиз ўтмишимиз шарафли бўлгани каби келажагимиз ёруғ, буюк бўлишини истайди ва бунинг учун барча

асослар мавжуд, деб ҳисоблади. Негаки, республикада табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникикавий, инсоний ва маънавий салоҳият етарли. Диёримизда меҳнатсевар ва истеъододли халқ яшайди. Шундай экан, халқни руҳлантириш ва бунёдкорлик ишига сафарбар этиш керак эди.

“Янги уйни курмай туриб, эскисини бузманг” ғояси ҳам ҳаёт тажрибасидан муваффақиятли ўтди. Бу даъват ўзига хос теран ҳикматга айланди ва халқ орасида кенг тарқалди. “Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ”, дейди Ислом Каримов.

Ҳаётнинг мана шу оқилона қонуниятига зид йўл тутган сиёsatчилар, уларнинг ҳовлиқма “назария”лари қандай аянчли оқибатлар келтириб чиқаргани барчамизга маълум.

Ўзбекистонда ислоҳотлар шошма-шошарлик ва кескинлик билан эмас, балки босқичма-босқич олиб борилмоқда. Бу миллий урф-одат, анъаналарга мос тушади. Шу билан бирга, давлат тепасида йирик иқтисодчи ва узоқни кўра оладиган давлат арбоби турмаса, қандай қийинчиликлар туғилиши мумкинлиги бугун барчага аён бўлиб қолди.

1991 йил охири ва 1992 йил биринчи ярмидаги иқтисодий қийинчиликларни ен-

гиб ўтишнинг ўзи бўлгани йўқ. Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна галлани (уни Москва Канада ва Америкадан сотиб оларди) қаёқдан олиб келиш билан боғлиқ муаммолар ўз вақтида оқилона ҳал этилганини эсдан чиқармайлик. 1992 йилдаёқ узлуксиз таъминот масаласи узилкесил ҳал бўлди. Ҳолбуки, ҳали бозор муносабатлари шаклланмаган, дунё бозори, хорижий банклар, тижоратчи фирмалар билан алоқа ўрнатилмаган эди. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлгач, мустақил ташқи сиёsat юрита бошлади. Миллий хавфсизлик хизмати янгидан ташкил этилди. Ўз навбатида, кишиларнинг "изм" ларга мослашган фикрлаш тарзи ва психологиясини ўзгартириш сари илк қадамлар ташланди. Ҳа, туб бурилиш даврида бундай кўламли ташкилий ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бозор муносабатларига эскича андозалар билан ўтиш инқирозга олиб келарди.

Ислом Каримовнинг **ислоҳотчилик истеъоди** иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиша яқол кўринди. Машҳур беш тамойил кўйидагилар эди:

- иқтисод ҳамиша сиёсатдан устун туриши;
- давлат — бош ислоҳотчи бўлиши;
- қонун устуворлиги;

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлиги;

— босқичма-босқич, ижтимоий ларзаларсиз янги погонага эришиш.

Мустақиллик йилларида саноат сиёсати иқтисодий ислоҳотларнинг ана шу "Ўзбек модели" асосий тамойиллари асосида амалга оширилди. Моделнинг ютуғи шундаки, макроиқтисодий, молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда ташкилий-тариҳий ўзгаришларни амалга оширишга имкон туғилди.

1993 йили Швейцарияда, ҳалқаро ташкилот минбарида ушбу беш тамойил эълон қилинганида, унга юқори баҳо беришиди. Дарвоқе, бу тамойиллар илмий асосланганлиги боис амалиётда қўл келмоқда.

Маънавий ва маърифий ислоҳотлар ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. "Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унтиш гуноҳ бўлади, — деб таъкидлайди юртбошимиз. — Нукул пул ва фойда кетидан қувсанг-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ". Шу мақсадда 1994 йилда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди, "Тафаккур" журнали чиқа бошлади. 1996 йилнинг 9 сентябррида имзоланган "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадор-

лигини ошириш тўғрисида"ги Фармонда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб белгиланди. Бу foянинг замирида ҳам чуқур ҳақиқат ётади. Маънавияти қашшоқ, эътиқодсиз кимсаларга юрт тақдирини ишониб бўладими?! Бундан роса беш аср муқаддам донишманд бобомиз Алишер Навоий башорат қилганидек:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас —
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш foяси галдаги муҳим вазифалардан бири бўлди. 1992 йилда "Таълим тўғрисида"ги қонун, 1997 йилда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Янги руҳдаги замонавий кадрларни тайёрлаш ва қайта тарбиялаш мақсадида юртбошимиз ташаббуси билан 1995 йилда Ўзбекистон Президенти ҳузурида Давлат ва жамият курилиши академияси ташкил этилди. Бугунги кунгача 117 колледж ва лицей барпо этилди, унга 34 миллиард сўм маблағ сарфланди. 2005 йилгача 1611 касб-хунар коллежи ва 181 академик лицей ташкил этилади. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида 14 университет ва 16 институт янгидан очилди. Ҳа, таълим соҳасида улкан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Буюк аллома Форобий айтганидек, фозил, етук фуқароларсиз давлат тараққий қилмайди. Жаҳонда Англия, Америка, Япония, Германия таълим тизими тан олинган. Бугун ҳаётга изчил жорий этилаётган Ўзбек таълим модели ҳам foят муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. ЮНЕСКО, Педагогика ва ижтимоий фанлар халқаро академияси, Олий мактаб халқаро академияси, Россия таълим академияси ва бошқаларнинг хуносаларига кўра, "Ислом Каримов модели" тушунчаси халқаро илмий ҳамjamият томонидан тўла эътироф этилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 16 минг фан доктори ва фан номзоди бор. Ҳозирги вақтда 4 мингдан зиёд талаба ва аспирант чет мамлакатларда таълим олмоқдалар. Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган таълим модели ва бу тизимдаги ислоҳотлар уларнинг салоҳияти юзага чиқишига хизмат қилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — Йўлбошчимиз орзу қилганидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, баҳтли бўлишлари шарт".

Миллий мағкура яратиш foяси Президентимиз томонидан истиқлоннинг дастлабки йилларида ёқ илгари сурйилган. 1998 йилда "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида Президент Ислом Каримов бу борада қилиниши лозим бўлган ишларни аниқ-равшан ифода-

лаб берди. Жамият мафкурасиз яшай олмайди. Мустақиллик давридаги бирламчи вазифа — эски мафкурадан воз кечишдир. Агар бу психологик “түсік” ечилмаса, миллий ғоя ва миллий истиқол мафкурасини ҳалқ оммасига сингдириш қиын кечади.

Француз олимі Дестут де Траси (XVIII аср) биринчи марта «мафкура» (идеология) атамасини ишлатған зди. Олимларнинг фикрича, мафкура — манфаатларни илгари суради, у сиёсий онгни шакллантириш усулларидан биридир.

Мамлакатимизда миллий истиқол мафкураси Президентимиз илгари сурاءттан ҳалқчил ғоялар ҳамда жамоатчилик фикри асосида шаклланыб келаяпты. **Миллий мафкура**, юртбошимиз таъбири билан айтганда, **миллатни бирлаштирувчи байроқдир**. 2000 йил 6 апрел куни Оқсаной қароргоҳида миллий мафкура масалалариға бағишенгандың йиғилишда давлатимиз раҳбары үтиш даврида жуда катта ғов ва түсікларни енгіб үтиш, әзгу мақсадларга әришишда пухта ишланған мафкурага әхтиёж зарурлигини алохіда таъкидлаб үтди. Бугунғи кунда миллий ғоя ва миллий мафкура концепцияси шаклланмокда, шубха ійқеки, мафкурамиз, юртбошимиз айтганидек, «жамиятни соғлом, әзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига әришиши учун маънавий-рухий куч-

кувват берадиган пойдевор бўлиб», озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиласи.

Президентимиз ташаббуси билан 2000 йил — **Соғлом авлод йили** деб эълон қилинди. Соғлом авлод дастурига кўра, оиласа юксак маънавий-ахлоқий мухитни шакллантириш, соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, таълим олиш учун шарт-шароитларни тақомиллаштириш кўзда тутилади. Соғлом танда соғ ақл, деган доно ўғит бор. Соғлом авлод, бу — бизнинг келажагимиздир.

Янги давлатимиз пойдевори қўйилар экан, миллий давлатчиликимиз анъаналиари, жаҳондаги тараққий топган давлатлар тажрибаси мухим омил бўлди. Нарзулла Жўраев “Агар огоҳ сен...” китобида шундай дейди: “Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бутун давлатчилик асосларини қайта тиклаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек ҳалқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қиласи, унинг олижаноб ишларига беқиёс сафарбарлик руҳини бахш этади”¹.

¹ Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен... 157-б.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни — Ватан озодлиги эди. Бу олий қадрият бугунги кунда ҳам биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда Президент Ислом Каримов миллий давлатчилик асосларини янги-янги фикрлар билан бойитмоқда.

1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатида кўтаринки руҳда нишонланди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Президент Фармони билан таъсис этилган “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. “Мамлакатимиз истиқололга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди,—деди юртбошимиз 1996 йил 18 октябрда Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида.—Истиқолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда”. Дарҳақиқат, Амир Темур шахси мустамлакачилик йилларида қатағонга учраган, меросини нашр этиш ман этилган эди. 1996 — 2000 йилларда соҳибқирон ҳаётига бағишлиган юзлаб тадқиқотлар дунё юзини кўрди. Бу ҳалқимиз руҳиятига фурур, кучмадад бағишлиди.

Юртбошимиз ҳар бир нутқида жо бўлган ғоянинг ядросини Ҳалқ, Миллат, Ватан ва

унинг манбаатлари каби мўътабар тушунчалар ташкил этади. Чунки, Истиқол, Озодлик ва Ватан тушунчаларини эъзозлаш — ҳалқнинг ор-номуси, фурурини кўтариш демақдир. Ҳалқимиз қарийб бир ярим асрлик мустамлакачилик асосатида яшаган замонларда миллий ҳис-туйғуларимиз қадрсизланган, топталган эди. Эндиликда биз қуллик, мутелик психологиясидан тезроқ қутулишимиз лозим.

1995 йилнинг бошида мамлакатимизда узоқ муддатга мўлжалланган “Ўзбекистон янги аср бўсағасида” номли дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар ичida ислоҳотларни янада жадаллаштириш ҳақидаги ўнлаб Фармонлар ёълон қилингани, Олий Мажлиснинг кўппартиявилик асосида ишлаётгани, сайловларнинг демократик ўтказилаётганлиги бу борадаги дадил қадамлардир. Ўзбекистоннинг демократик йўли концепцияси асослари: янги тизимга хизмат қилувчи қонунларни қабул қилиш, қадрлар тайёрлаш, ҳукуқ органларини демократлаштириш, иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш, фуқароларга муносаб ҳаёт шароитларини ташкил этиш, инсон ҳукуқларини таъминлаш, матбуотни демократлаштиришdir. Инсон ҳукуқлари ғояси Олий Мажлис фаолиятида мунтазам ўрин эгаллади. Олий Мажлис таркибида инсон ҳукуқлари билан шуғулланувчи вакиллик (Омбудсман) ташкил этилди, инсон

хукуқлари бўйича Миллий марказ иш бошлади.

Янгиланаётган жамият талаблари бўлакча. У фуқароларни юрт, миллат равнақи учун қайғуришга ундаиди, ҳаётга теран ва сергак қараашга даъват қиласди.

“Ўзбекистон ҳаёти бугун ниҳоятда сёрқирра, — деб ёзади тадқиқотчи С. Олимов, — ана шу кўп соҳаларда Президент И. Каримов тоғларининг кенгайиб, чукурлашиб, тадрижан камол топиб, тобора ҳаётнинг ички қатламларига кириб бораётганини кузатамиз. Бугун Ўзбекистоннинг бирор йирик масаласини Президент фаолиятидан айри тасаввур этиш мумкин эмас. Мамлакатимиз олдида турган муаммоларни ҳам ҳеч ким Президентчалик изчил таҳлил қилаётганий йўқ”¹.

2. 2. Сиёсий жараёнлар таҳлилида илмийлик ва холислик

Тажрибада кўрилганким, иш билармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хўшёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхсидир.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

Таҳлил ва статистика нотиқлиқда мухим аҳамиятга эга. *Stato* — итальянча дав-

¹ “Жамият ва бошқарув” журнали, 1997, 1-сон.

латни билувчилар деганидир. Ҳисоб ва статистика билан шуғулланувчилар раҳбарнинг кулоги ва кўзиdir, деган гап бор. Статистика фани асосчиси Уильям Петтининг “Англияning сиёсий арифметикаси” асарида бу соҳанинг муҳим вазифаси тушунтириб берилган. Ислом Каримов фаолиятида иқтисодий таҳлилларнинг бетакрор намунасини кўрамиз. Нотиқ минбарга чиқар экан, рақамларни пухта танлайди, системага солади, қиёслайди. Шу билан бирга, рақамларни келтиришнинг ўзи билан кифояланмайди, балки уларнинг замирида ётган моҳиятни таҳлил қилиб, содда тилда тушунтириб беради, керакли умумлашма ва хуносалар чиқаради.

Олдинги саҳифаларда юртбошимизнинг нотиқлик маҳоратига қисқача тўхталиб ўтилди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад — ёзма нутқларда ҳам илмий-сиёсий услуг ифодасини кўрсатиш, унинг айрим қирраларини имкон қадар ёритиб беришдан иборат.

Ислом Каримовнинг асарларида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар динамикаси чукур инъикосини топган. Рисолаларда мустақил республиканинг қисқа вақт ичидаги босиб ўтган йўли ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўласиз.

Биз куйида хронологияга амал қилган ҳолда асарлардаги илмийлик ва холисликни таҳлил қиласиз.

Юртбошимиз Олий Кенгашнинг XI сесиясидаёқ (1992, декабр) Истиқлол режаларини баён этиб ўтган эди. Республикада **кишлок ҳўжалиги** тараққиёт ва ўсиш суръатларини ҳал қилувчи **устувор тармок**, деб белгиланди. Натижада давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, ҳўжалик юритишнинг шаклларини ривожлантириш, дехқон (фермер) ҳўжаликларини кредит, техника, минерал ўғит, ем-хашак, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш бошланди. Ҳалқ ҳўжалиги ички тузилишини ўзгартириш жадаллашди. Ҳалқ ҳўжалигининг барча тармокларида тугал бўлмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлиб, унинг технологияси хомашёни қайта ишлаш ва сифатли тайёр маҳсулот чиқаришга имкон бермасди. Турғунлик йилларида иқтисодимиз бутунлай издан чиқкан ва ночор ҳолга келиб қолганди.

Муаллиф мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этади: “**Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хомашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикамиизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин**”¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996. 117-б.

“**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**” асарида ҳалқ ҳаётини таъминлашга хизмат қилувчи нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимёвий тола, пластмассалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўллари аниқ белгилаб берилган. Асарда Истиқлол режалари алоҳида ва бирма-бир кўрсатиб ўтилади: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, якка ҳокимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, саноат корхоналарини ҳиссадорларга бериш... Бу — иқтисодиётни марказлаштираслик ҳамда яккаҳокимликка чек қўйиш, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришга йўл очиб берадиган ташкилий тадбирлардир. Ҳа, “**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**” рисоласи барча иқтисодчилар, раҳбарлар учун қўлланма вазифасини ўтади.

“**Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида**” (1996) рисоласида эса ўтиш даврининг биринчи босқичида иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади, стратегияси илмий-назарий ва амалий таҳлил қилиб берилади. Бу босқич янги иқтисодий тизимнинг ҳукуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантиришга, эскича фикрлаш тарзини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган энг оғир синон даври бўлди.

Юртбошининг асарларида иқтисодий таҳлил юқори такомилга етказилади. Муаллиф молия вазирлигига ва Давлат режа қўмитасида раҳбар бўлиб ишлаганлиги, бу соҳани жуда чукур билиши сабабли унинг кечаги ва бугунги ҳолатини изчил таҳлил қилиди, ютуқ ва камчиликларини аниқ кўрсатиб беради. Муаллифнинг ислоҳотчилик истеъоди “Ўзбекистоннинг ўз иқтиқол ва тараққиёт йўли” (1992) рисоласида, айниқса, ёрқин намоён бўлган. Рисолада янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши қандай бўлиши кераклиги илмий асосда ёритилган. Унда ёзилишича, сиёсий соҳада саккизта, иқтисодий соҳада — олтита, ижтимоий ва маънавий соҳада — саккизта долзарб масалани ҳал қилишдек вазифалар олдимизда турганди.

Президентимиз “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993) номли рисоласида олдин ўртага қўйилган фояларни тўплланган амалий тажрибалар асосида янада бойитади, тўлдиради. Муаллиф бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳон андозаларини — консерватив, радикал, эволюцион ва “фалаж (шок) қилиб даволаш”нинг кўламларини, бажариш муддатларию қолдирадиган асоратларини илмий ва холис таҳлил этиб, улардан бошқалардай кўр-кўронга нусха кўчиришдан воз кечишни таклиф этади.

Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, муаллиф яқин ўтмишдаги амалга ошмаган ислоҳотларни таҳлил қилиш ва сабоқ чиқариш йўлидан боради. Масалан, қишлоқ хўжалигини индустрластириш, корхоналарга иқтисодий эркинликлар бериш (1965), режалаштириш тизими ни ислоҳ қилиш (1979), хўжалик механизмини ислоҳ қилиш (1987)га доир ислоҳотлар қофозда қолиб кетганлиги сир эмас. Агар бугунги китобхон мустақилликдан (1991) олдинги иқтисодий-сиёсий аҳволни — озиқ-овқат, экология, қишлоқ хўжалиги, энергетика соҳаларини яхшилашга оид давлат дастурларига беҳисоб маблағлар сарфланганини, соҳта шиорлар иқтисодиётни издан чиқариб, ташки қарзлар ҳаддан зиёд кўпайганини, меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантириш тизими бузилганини билиб қўйса, фойдадан холи бўлмайди. Жамиятда боқимандалик кайфияти пайдо бўлганди. Бундай ҳолатда умргузаронлик қилишнинг охири “вой” эди, албатта. Афсуски, ўша давр асоратлари ҳали-ҳануз жамиятимизда сақланиб қолган. Токи, боқимандалик, танбаллик, расмиятчилик, порахўрлик, ўзибўларчилик касалидан қутулмас эканмиз, умум ишимиз олдинга силжимайди.

“Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор вазифалари” (1993) асарида олдинги фоялар ривожлантирилади. Муаллиф

стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш бошланганлигини таъкидлайди. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни тезлаштириш, яни қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучларини саноатга жалб қилиш, бунинг учун қишлоққа саноатни олиб кириш билан боғлиқ муҳим ишлар олдимиизда турганлигини уқтиради. “Вазиятни барқарорлаштиришнинг фоят муҳим бўйини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдир”, дейди йортбоши. Иккинч муҳим масала — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни узлуксиз давом эттириш. Сўнгра муаллиф Туркия, Хитой, Германия, Жанубий Корея, АҚШнинг кўзга кўринган фирмалари билан қўшма корхоналар ҳамда Индонезия, Малайзия, Хиндистон билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар тузилганлигини дастлабки ютуқлар сифатида кўрсатиб ўтади. “Ғанимлар нима деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам”¹ деб хулоса ясади.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоилилари” (1995) номли нутки ҳам дастурий асарлардан биридир. Унда “Ўзбекистон янги аср боши-

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.—Т.: Ўзбекистон, 1996. 27-б.

да” деган узоқ муддатга мўлжалланган дастур баён этилган.

“Адолат ва ҳақиқат фояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат фояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”, дейди Президентимиз ўша нутқида. Бу — соҳибқирон таъбири билан айтганда, “Куч — адолатдадир!” деган маъно англатади. Шунинг учун темурйилар салтанати довруғи узок-узоқ ўлкаларга етиб борган эди...

Ўз навбатида, олдимиизда фуқаролик жамиятини куриш, демократик қадриятларни вужудга келтириш вазифаси турганлиги ҳам ўртага ташланди. Демакки, Олий Мажлис ана шундай тизимга ҳукуқий асос бўлиб хизмат қиласиган қонунларни тайёрлаши зарур бўлади. Шу билан бирга, рисолада инсон ҳукуқлари фояси эндиликда Олий Мажлис фаолиятида мунтазам ўрин эгаллаши, сиёсий-маънавий ислоҳотларда ҳам, миллый тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлиши қайд этилади.

“Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида” (1996) асари ҳам чукур иқтисодий таҳлиллар асосида яратилган. Асарда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи (1992—1995) ҳар жиҳатдан таҳлил этилади. Бу даврга келиб, жамиятимизда энг муҳим ўзгариш — мулкнинг нодавлат шакли ҳиссасининг кўпай-

гани бўлди. Масалан, 1995 йил якунидаги саноатда 51 фоиз, қишлоқ хўжалигида 97,7 фоиз маҳсулот нодавлат секторга тўғри келди¹.

“Ўзбек модели”га хизмат қилувчи ҳукукий негиз — юзга яқин қонунлар қабул қилинганлиги натижасида хусусийлаштириш жараёни илдам кетаётганлиги, шахар ва қишлоқларда бошқарув тузилмалари қайта ташкил этилганлиги, хорижий сармояларни жалб этиш бошланганлиги, ялпи ижтимоий ҳимоя тизими шаклланганлиги, муҳими, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим ютуқларидир. Сўнгра, ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифалари кўрсатиб берилади. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, миллий валюта — сўмни янада мустаҳкамлаш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ва бошқалар галдаги ишларимиз сирасига киради.

1996 йилдан демократик ислоҳотлар жараёни бошланиб кетди. Олий Мажлиснинг VI сессиясида (1996 йил 29 август) юртбoshimizning “Хозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” номли нутқи тинглан-

¹ “Ўзбекистон мустақиллик йилларида.” Т.: Ўзбекистон, 1996. — 40-б.

матлари” номли илми бойдан ислоҳотларни келиб беради. Нутқнинг асосий мазмуни — беш йиллик фаолиятимизга якун ясалгани бўлди. Унда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маърифий, ижтимоий адолат, демократлаштириш, иқтисодиёт, ташки сиёсат, давлатчилик, қонунчилик соҳасида қисқа вақт ичидаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берганлиги жонли мисоллар орқали тушунтирилади. Ва, ўз навбатида, суд тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, матбуотни демократлаштириш, қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун меъёrlари ижроси назоратини такомиллаштириш вазифаси қўйилади.

1991 йили мустақиллик эълон қилинганида Ўзбекистон собиқ иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нарх-наво тизимини, издан чиқсан бошқарув механизмини, иқтисодий муносабатларни мерос қилиб олганди. Шу ўринда, собиқ иттифоқ даврини гоҳида қўмсовчи кимсаларга “йўқ, сиз у соҳта воқеликка учманг” дегимиз келади. 1990 йилда аҳолининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуий даражадан ҳам паст эди. Реал шартшароитларни чамалаб кўрган Ўзбекистон раҳбарияти олдида кучли ижтимоий сиёсатга йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлига ўтиш вазифаси турарди. “Ўзбекистонда ўтиш даврининг мантиқи: зиён-захмат етказмаслик” деб ёзган Л. Левитин ва

Д. Карлайл ўз тадқиқот китобларида Ўзбекистондаги ўтиш даври билан “давлат социализми” (Хитой), “либерал демократия” (Россия) тамоилларининг фарқини жуда яхши очиб берадилар.¹

Юртбошимизнинг навбатдаги “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997) асарининг чоп этилиши катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. Бу — муаллифнинг илмий-сиёсий ва амалий фаолиятининг мантиқий давомидир. Унда “биз ким эдигу ким бўлдик?” деган саволга ақл-идрок ва заковат тилида жавоб берилган. Китобда мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги тутган мавқеи, ички ва ташқи сиёсати, ўзига хос ва ўзига мос ислоҳот йўли ва буюк келажак сари интилиши илмий таҳлил этилади. Бу буюк асар чексиз Замон ва Маконнинг ўтқир мушоҳада билан чукур идрок қилинган инъикосидир. Мазкур қимматли асарнинг фазилатлари ҳақида ўнлаб илмий рисолалар дунёга келди. Биз ҳам уларга қўшилган ҳолда, китобнинг айrim бобларига қисман тўхталиб ўтамиш.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” (1997) китоби “Хавфсизликка таҳдид” ва “Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари” ҳақида ўнлаб илмий рисолалар дунёга келди. Биз ҳам уларга қўшилган ҳолда, китобнинг айrim бобларига қисман тўхталиб ўтамиш.

¹ Қаранг: Левитин Л., Д. Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т., Ўзбекистон, 1996. — 98-102-б.

латлари” номли икки бобдан иборат. Биринчи бобда диний экстремизм, фундаментализм, шовинизм, коррупция, жиноятчилик, маҳаллийчиллик ва уруғ-аймоқчиллик каби тараққиётимизга хавф соловчи иллатлар чукур таҳлил этилган. Муаллиф масалага бугунги кун нуқтаи назари билан ёндашади. Масалан, диний экстремизм ва фундаментализмни ўқувчига англатишдан олдин XX аср охирида “ислом уйғониши”, “ислом феномени” ҳодисасига тўхталиб ўтади. Ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида диний экстремизм ва фундаментализм хавфи туғилмоқда, деб таъкидлайди муаллиф. Сўнгра фанатизм (ўтакетган мутаассиблик) иллатига илмий-сиёсий таъриф берилади. Яъни, “Фанатизм — ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошка диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш”. Яхши, буни тушуниб олдик. Фанатизм нимага олиб келаади?

Фанатизм, зўравонлик ҳаракатларига мойиллик диний экстремизмга замин яратади.

Жамиятнинг қайси гурухлари бунинг таъсирига тушиб қолади?

Муаллиф саволга жавоб излаш мақсадида диний онг, диний эътиқод, айни дамдаги диний тартиб, диний мазҳаб, диний фанатизм, диний зиддият, диний тизим, диний фундаментализм, диний туйғу, ди-

ний қараш каби бир-бирига чамбарчас боғланган атамаларга қисқача изоҳ беради. Масалага ойдинлик киритгач, “ислом омили” фаоллашуви сабабларини тадқиқ этади. 1991 йилда собиқ иттифоқ кулагандан кейин мағкуравий бўшлиқ пайдо бўлган эди. Коммунистик мағкура (Фирқа) ислом ривожланишига йўл бермади, улар динни камситиш, 1937 ва 1953 йиллар қатағони даврида уламоларни, дин вакилларини жисман йўқотиш, омон қолганларни шўро манфаатига бўйсундириш учун кескин чораларни кўрди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди...

Истиқлол йилларида ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари тикланди. Аммо фанатизм иллатига йўлиқкан айрим кимсалар мағкуравий бўшлиқдан асл ниятлари — ҳокимият учун курашда диндан устакорларча фойдаланмоқдалар. “Биз дин бундан бўён ҳам ахолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз”¹ дейди муаллиф. Жуда пухта, аниқ айтилган таъриф. Давлат диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишига йўл кўймайди.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобининг кейинги саҳифаларида ислом

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т.: Ўзбекистон, 1997.—44-бет.

фундаментализми — ақидапарастлик таҳди-ди мазмун-моҳияти чуқур очиб берилади. Ақидапараст — ақидаларга кўр-кўронга ишонувчи, унга ёпишиб олган киши, догматизм тарафдори демак. Бундай шахслар ҳар қандай дунёвий давлатни, кўпмиллатли жамиятни обрўсизлантиришга уринади. Муаллиф фундаментализм хавфини ишонарли ёритиб беради. Бунда ўзига хос услубда “оломонбоп”, “бақироқ”, “асоссиз”, “кўр-кўrona” каби таъсирчан сўзларни ишлата-ди. Бу сўзлар “қаҳрамон” образи ҳақида тасаввур ҳосил қиласи: “кулларча мутелик, шахснинг эрксизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташабbus кўrsatiш эркинлигининг мутлақо чекланиши”... Кулларча муте, фикрлашдан тўхта-ган фундаменталист эса хоҳлаган оқимга қараб сузавериши мумкин. Шунинг учун юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида “жамиятимиз мағкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, деган буюк ғояни илгари сурди.

Яна бир муҳим масала шуки, Президент Амир Темур бобомизнинг “Куч — адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч — билим ва тафаккурда” деган ғояни ўртага ташлади. Ўша тарихий суҳбатда юртбошимиз “ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш

мумкин" деган хулоса беради. Бу—узок йилларга мұлжалланған, жамият пойдеворига асос бўлувчи муҳим сиёсий фикрдир. "Диний экстремизм ва фундаментализм" бобида мualлиф тўғри қайд этганидек, **Фикр қарамлиги** оғир оқибатларга (1999 йил февраль воқеаларини эслаб кўринг) олиб келади.

Китобнинг навбатдаги саҳифаларида мualлиф фикрини мантиқан давом эттириб, хавфнинг янги-янги жиҳатларини илмий таҳлил этади. Жумладан, ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасидаги зиддият масаласи. Бу—айни шу мавзуни ёритишда энг нозик масалаларнинг биридир. "Цивилизациялар тўқнашуви" янги мустақил давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятияга кўшилиш жараёнига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда, деб хисоблайди Ислом Каримов. Бу—фавқулодда мантиқли хулоса! Ўз навбатида, Европа ва Америкадаги баъзи исломшуносларнинг "фундаментализм хавфли бўлмаган йўналиш" деган қарашларини кескин танқид қиласди. Ахир, уларнинг кўпчилиги Farb давлатлари университетларида олий техник ва тиббий таълим олишган-да. Сўнг яна бир катта муаммога эътиборини қаратиб, буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўравонлик сиёсати ётганлигини таъкидлайди. Фурурли, мард инсон Ислом

Каримов ислом цивилизациясининг фазилатларини камситиш, чукур тушунишни истамаслик кайфияти билан муроса қила олмайди. Мавжуд нозик омилларни ақидапа-растлар тушуна олармикан?

"Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик" боби ҳам фактларга бойлиги, илмий таҳлиллар асосида ёзилганини жиҳатидан ажралиб туради. Агрессив миллатчилик тўғрисида юқорида қисқача тўхталдик. Буюк давлатчилик шовинизми нима? "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да "шовинизм—ирқий айирмачилик ва миллий низони авж олдиришга уринувчи ўтакетган буржуа миллатчилиги" (II, 421) деб таъриф берилган. Бу тор доирадаги нотўғри фикр. Мualлиф атамага янгича кўз билан қараб унга кенгроқ тўхталади. Гап иқтисодий имкониятлари чекланган кичик давлатларга нисбатан катта миллат, собиқ империяларнинг зимдан сиёсий, иқтисодий ҳукмронликни қўлда саклаш сиёсати ҳақида кетмоқда. Шу ўринда чор Россияси, кейинроқ КПССнинг юритган мустамлакачилик сиёсати, унинг асоратлари, бугунги таҳдидлари бирма-бир қайд этилади. Шовинизм—тарихан умрини яшаб ўтган, чунки у зулм, зўравонлик асосига қурилгандир, деб уқтиради мualлиф.

"Таҳдид" тушунчасини тадқиқ қилган сиёсий фанлар номзоди Ш.Пахрутдинов шундай ёзади: "XXI аср бўсағасида тарии-

хий тажриба шундан далолат берадики, у ёки бу давлатнинг, миллатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, унинг келажаги мазкур миллатга хавф solaётган таҳдидни англаб етиш салоҳияти ва қобилияти даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Таҳдидга нисбатан хотиржамлик, мудроқлик ёки уни бутунлай сезмаслик оқибатида тез орада "күёши ботган" хийла кучли давлатлар ҳам бўлган¹. Ана шу хавфни сезмаслик оқибатида Югославия, Тоҷикистон фожиалари келиб чиқмадимикан?

Жаҳон сиёсатидаги долзарб масалалар, миллий иқтисод, давлатчилик, мафкурага доир биз танишган асарлар катта илмий қимматга эга. Уларни ўқиб-ўрганиш, кенгтарғиб қилиш, системага солиш тадқиқотчиларнинг муҳим вазифаси саналади.

Юртбошимиз “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарини жуда ажойиб сўзлар билан якунлайди. “Ўз истиқтол ва тараққиёт йўли” миз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-захматларни бартараф этишнинг қийин, узок давом этадиган йўлидир... Бу йўлдан факат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишилаган, ўз

¹ Пахрутдинов Ш. “Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт. Т.: Абу Али ибн Сино, 1998. 7-б.

манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишилай оладиган кишиларгина юра олади”. Зоро, Президентимиз ана шундай заковатли ва жасур замондошимиздир!

2.3. Сиёсий етакчи нутқида сиёсий вазиятлар таҳлили

Салтанат ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам билмасликка олардим. Дўсту душман билан муросаю мадора қиласдирдим.

Ислом Каримов — улкан сиёсий арбоб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатида мамлакатимизнинг обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтариш йўлида унтуилмас хизматлар қилмоқда. Айниқса, тақдирилизни ўз қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларни тиклаш, мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни саклаш йўлидаги **шахсий ташаббуслари**, саъй-ҳаракатлари аллақачон жаҳон сиёсатчилари ва иқтисодчилари томонидан юқори баҳоланди. Биз қўйида Президентимизнинг мураккаб ва кес-

кин сиёсий вазиятлардаги нутқи масаласини ёритишга ҳаракат қиласиз.

Сўзимизни машхур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан илк бор 1990 йилда — Ўш фожиаси кунлари учрашган воқеалар тафсилотидан бошлаймиз. Ёзувчи бу воқеаларни “Чўққида қолган овчининг оҳизори” китобида шундай эслайди: “**Қадимдан қон-қардош икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифокни бартараф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақлийдрок, донолик намунасини кўрсатди**”. Кўп ўтмай, Бельгиядан қайтаётib Тошкентга кўниб ўтган Ч. Айтматов яна Ислом Каримов билан сұхбат қуради. “Илгари мен бу кишини фақат хўжалик ишларини миридан сиригача яхши биладиган тажрибали сиёсатчи сифатида билардим, — деб баён қиласи у сұхбат таассуротларини. — Ўша оқшомдаги сұхбатдан сўнг амин бўлдимики, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чукур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан”¹.

Буюк адабнинг эътирофи нафақат Ўзбекистон, балки барча учун бирдек қадрли,

¹ Ч. Айтматов, М. Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳизори. Т.: Шарқ, 1998. 238-б.

ҳам қимматлидир. Роман-диалогнинг “Хокимият ва маънавият ёки подшолар, хонлар, қироллар, президентлар фаолиятига бир назар” бобида Президентимиз Ислом Каримов шахси ҳақида самимий, қимматли фикрлар айтилган.

Юртбошимизнинг одилона сиёсати туфайли жаҳон ҳамжамиятида, хусусан Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг ўз ўрни, юксак мавқеи қарор топди. Ислом Каримовнинг Афғонистон, Тожикистондаги фожеаларга, МДҲ давлатларидағи **мураккаб сиёсий вазиятларга**, жаҳон ва минтақавий ҳодисаларга холис ёндашуви, сиёсий нутқлари жаҳон сиёсат майдонида юқори баҳоланди. Бунга юртбошимизнинг БМТ Ассамблеяси 48-сессиясида ва ана шу ташкилотнинг 50 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида сўзлаган ёрқин нутқлари жонли мисолдир.

Ислом Каримов — оқил, тажрибали йўлбошли. Яқин йиллардаги сиёсий жараёнларни бирма-бир назардан ўтказадиган бўлсак, истиқлол арафасида республикада сиёсий-ижтимоий муҳит анча бесаранжом ва зиддиятли эканлигига гувоҳ бўламиз. “Пахта иши” сабабли миллат шаъни, миллий қадриятлар топталган эди. Сўнг “Пахта иши”га “Ўзбеклар иши” қўшилиб кетди. Юртимизда парокандалик, лоқайдлик, умидсизлик кайфияти ҳукм сурди. Одамларнинг кўнгли ишдан совиган, улар

саросима ва таҳлиқада яшайдиган бўлгандилар. Сиёсий ҳокимият Кремлнинг қўлида қўғирчоққа айланиб қолган эди. Бундан фойдаланган “халқ ва миллат жонкуярлаш” норозилик митинглари уюштиришди, тинч-тотувликка, барқарорликка хавф пайдо бўлди. Миллатни бўлиб ташлаш, руҳиятини синдириш мақсадида туман ва вилоятлар, турли вазирликлар кўшиб юбориляди. Республика ва маҳаллий бошқарув, тармоқлардаги қисқартириш, тарқатиб юборишилар ўнлаб муаммоларни келтириб чиқарди. Ҳокимият халқдан анча узоклашади. Ҳатто аҳоли зич жойлашган Фарғона, Андижон, Бўка, Паркентда миллатлараро низолар ҳам қўзгалди. Наманган, Фарғона, Тошкент шаҳрида жазавали митингбозликлар кучайди...

Мана шундай мураккаб ва ниҳоятда қалтис шароитда ҳокимият тепасига келган Ислом Каримов қарашлари қатъий, ирадаси мустаҳкам шахс бўлганлиги туфайли мамлакатни жар ёқасидан қайтариш, муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Тўқнашувлар юз берган жойларда бўлиб, фуқаролар билан гаплашди, масалаларни атрофлича ўрганди. Юртбошимиз ўта қалтис сиёсий вазиятда халқ қўнглидаги кечинмаларни тўғри англаб етди. Мустаҳкам позициясида турди, ҳақконий, дадил сўзлари билан одамларнинг дардига малҳам бўлди!

Собиқ Ўзбекистон КП МКнинг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган плenумида сўзлаган нутқида у жумладан шундай деган эди: “Ўзбекистон халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруксиз ва фаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байнамилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган”.

Нотикнинг халқимизга бекиёс ҳурмат, юксак эътибор ва ишонч тўла сўzlari омманинг сиёсий кайфиятини кўтариб юборди. “Ўзбек халқининг виждони пок”. Бу малҳам бўлгувчи сўзлар эди, албатта. “Виждон” — диёнат, инсоф, масъулият дегани. Гард-губорсиз, покиза, ҳалол, номига гард юқмаган кишига нисбатан поклик сўзи ишлатилади.

Эсингизда бўлса, Фарғонадаги воқеаларни Кремлдаги устомон “сиёсатчи”лар бошқа томонга буриб юборган ва бир ўқ билан икки кўённи уришни кўзлашган эди. Мақсад қардош халқлар орасига нифоқ солиш эди. Аввалги қўғирчоқ раҳбарларимиз ғаламис ниятга қарши туришга куч топлмадилар. Нотик “Бу воқеаларга тутуруксиз ва фаразли мақсадларни кўзлаб” дега-

нида лафзида турмайдиган, бетайин маҳаллий раҳбарларни ҳам, москвалик кучли сиёсат "ўйинчи"ларини ҳам назарда тутганди.

Президентимизнинг ҳақлигини вақт исботлади. Бундай нозик вазиятда мамлакат раҳбариytидан катта сиёсий тажриба талаб қилинар эди. Манфаатдор сиёсий кучларнинг демократияга кўр-кўrona ёндашуви, "демократия билан ўйнашув" алал-оқибат мамлакат учун **таҳдидни** юзага келтирган эди. Хавфсизлигимизга таҳдидни вақтида сезган давлат раҳбаримиз ўт чиқиб кетишига йўл кўймади ва мамлакатни катта хавфдан, бало-офатдан сақлаб қолди.

Ислом Каримовнинг истиқолга эришунга қадар бўлган ижтимоий-сиёсий фаолиятини жасорат ва дадиллик сахифалари, дейиш мумкин. Мустақиллик учун кураш жараёнида, учрашувлар вақтида (биргина, Давлат тили мақомини олишга бағишланган учрашувларни эслайлик) иштирокчиларда шубҳа, гумон, ишончсизлик кайфияти хукмон эди. Ўша дамларда юртбошимизнинг шарқона маданият, заковат билан сўзлаган нутқлари кўпларда ишонч руҳини уйғотди, қалбларга чўғ солди...

Йўлбошчимизнинг 1991 йилнинг августига қадар олиб борган ижтимоий-сиёсий фаолияти, тинчлик, осойишталик ва барқарорликни саклаш учун курашининг ўзи бир ёзилмаган асарга teng.

1990 йилнинг 24 марта Ислом Каримов иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президент лавозимига сайланди. Марказ буни яхши қабул қилмади, албатта, КПСС МК Бош контиби М.С. Горбачев очиқдан-очиқ фазабланди. Ана шундай мураккаб ишни амалга ошириш, бир жиҳатдан, Каримовнинг фавқулодда жасорати ва журъатидан далолат берса, иккинчи томондан мутафаккир ва ўткир сиёсатчи эканлигини кўрсатади. Чунки, у СССРнинг таназзули бошлангани ва куни битганини иттифоқ раҳбарларидан илгарироқ тушуниб етган эди.

Орадан икки ой ўтиб, 1990 йилнинг июнь ойида кутилмагандан Ўш ва Ўзган воқеалиари юз берди. Қанчадан-қанча одам ҳалок бўлди. Миллатчи нотиклар оломонни жазавага келтириб қардошлар устига юриш қилишга чақирдилар. Кўрдингизми, нотикнинг биргина жонли нутқи ҳалқни ортидан эргаштириши ёки жазавага келтириши мумкин экан. Маълумки, Қирғизистоннинг жанубида 600 мингдан кўпроқ ўзбеклар истиқомат қилади. Воқеа содир этилгач, қуролланган ва қуролсиз одамлар ўз туғишиллари бўлган ўзбекларни ҳимоя қилиш учун чегарага йиғилдилар. Вазият соат сайин кескинлашиб борарди. Ана шундай фоятда таҳликали вазиятда Президентимиз фазабланган талотўп ичига кириб борди ва ҳалойикқа қаратса шундай деди: "Мен Ўзбе-

кистон Президенти эканман, биронта ўзбек ёмон ният билан Қирғизистон худудига ўтмайди. Нима билан боғлиқ бўлмасин, ҳеч қандай қасос олишга йўл қўймайман!"¹. Йиғилганлар Каримовнинг қатъиятли раҳбарлиги, мардлиги, сўзи ва иши бир эканлигига қаттиқ ишонишар эди.

"Республика иккинчи Қорабоғга айланishiдан зўрга қутқариб қолинди,— деб ёzádi Қирғизистон Президенти А. Акаев ўша кунги қалтис ҳолатни эсларкан,— бунда Президент Каримовнинг доно сиёсати ёрдам берди"².

Давлатимиз раҳбари жаҳоннинг энг муҳим масалаларидан четда туролмайди, ўз вақтида, ҳозиржавоблик билан фикр билдиради. Дейлик, 1992 йилнинг ёзида Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кенгашида у минтақамиизда Югославия ва Қорабоғдаги каби можаро хавфи туғилгани ҳақида бонг урганди. Бу ерда экстремист ва ақидапарастлар ҳокимиётни эгаллаш учун курашни бошлаган эдилар. Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёдаги вазият, Афғонистон ва Тожикистон муаммолари, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигидаги аҳвол, Россия билан алоқаларимизга доир матбуотда, телевидениеда чиқишлиари, кутилмаган хуносалари ҳам

¹ Л. Левитин, Д. С. Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти.—12-13-б. ² "Известия", 1994, 5 октябрь.

тиб, дунё сиёсатчиларини мөнадорини кўпчиликни қизиқтирумай қолмайди. Юртбошимиз эл-элатларнинг тинчлиги, аҳиллиги, бирлиги ҳақида ҳамиша қайгуради. Чунки дўст-иноқлик бўлган жойда иқтисод ҳам юксалади, умум наф кўради деб билади нотиқ.

Тожикистонда этилиб келаётган фуқаролар урушини ҳам Президентимиз олдиндан сезган ва уни тўхтатиб қолиш учун бонг урган эди. Афсуски, дўстона маслаҳатларга қулоқ солишимади...

МДХ мамлакатлари раҳбарларининг 1992 йил 6 июнда Москвада ўтган Кенгашида у кўшни республикадаги хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради. "Тожикистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Раҳмон Набиев бу сўзларни ўшанда қандай қабул қилганини ҳам хотирлайман,— деб ёзади Қирғизистон президентининг давлат маслаҳатчиси сифатида кенгашда қатнашган Леонид Левитин.— У Каримовнинг бегона давлатда нималар бўлаётгани билан иши бўлмаслиги керакки, бу нарса тоҷикларнинг иши ва ташвиши, деган маънода писанда қилган эди. Каримов бу нарса барчага ва унга ҳам даҳлдор эканлигини таъкидлаб зътиroz билдириди. "Биз барчамиз одамлармиз,— деганди у,— бу, умуман, жаҳон ҳамжамиятiga ҳам даҳлдордир. Устига устак, Ўзбекистонда кўплаб тоҷиклар, Тожикистонда эса кўплаб ўзбеклар яшайди. Ўзбекларнинг томирида тоҷикларнинг қони ҳам оқар

экан, ўзбеклар четдан шунчаки томошабин бўлиб тура олмайдилар". Сўнгра орага жимлик чўқди. Умум тилини тишлаган суннатда Каримов сокин, аммо аниқ ва тушинарли қилиб деди: "Бало-қазода сеники, меники бўлмайди. Йўқса, барчамиз бу ерда нега йиғилиб ўтирибмиз?" Менга бошида бу баҳлашувга уччалик ҳам кулоқ тутмагандек туолган Б. Ельцин бошини кўтариб Каримовга дикъат билан тикилди¹.

"Бало-қазода сеники, меники бўлмайди" деган жумланинг маъноси анча чукур ва кенг бўлиб, замираиди қўшнининг тинчлиги, минтақа барқарорлиги учун курашиб ҳаёт тамойилига айланган давлат арбоби қиёфасини яққол кўриш қийин эмас.

БМТ минбарида, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукumat бошликлари кенгашида, МДҲ кенгашларида, Марказий Осиё мамлакатлари конференциясида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликни ёқловчи Президентимизнинг илгари сурган **яхши таклиф, концепция ва ташаббусларининг санаб адогига этиш қийин**. 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон ва Тожикистондаги можароли муаммоларни одилона ечиш йўллари ҳақида мухим таклифларни кири-

¹ Л. Левитин, Д.С. Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. 16-17-б.

тиб, дунё сиёсатдонларини можаронинг миқёси ва ҳалокатли оқибатларини тўлаттўқис англаб етишга чақирган эди. У "ёнгин ловуллаб кетганда" чора-тадбир излаш (масалан, Афғонистон, Тожикистон, Орол дengизи) принципидан воз кечиш, бефарқлик касалидан тезроқ қутулишни тавсия қилади. Бундан ташқари, БМТнинг Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича семинарини чақириш, БМТ Хавфсизлик Кенгаши хузурида ҳалқаро зиддиятларни таҳлил этиш юзасидан маҳсус гурух тузиш, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш, бу даҳшатли куролни батамом йўқотиш, минтақага гиёҳвандлик моддалари файриқонуний кириб келишига қарши биргаликда курашиб, Орол муаммоларини ҳал этиш бўйича маҳсус комиссияларни тузишдек мухим таклифларни ҳам ўртага ташлади. Сўнгги йилларда БМТ бошқа ҳалқаро ташкилотлар ҳомийлигига минтақамизда ўнлаб нуфузли тадбирлар ўтказгани юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмаганилигидан далолат беради.

Сир эмаски, давлат ва сиёсат арбоблари ичida мураккаб сиёсий вазиятлар ҳақида дадил, холис фикрини билдирувчи ташаббускор раҳбарлар доимо ҳам кўпчиликни ташкил қилмайди. Жасоратли йўлбошчилар сафида Ислом Каримовнинг ҳам бўлиши ҳар биримизда чексиз фахрифтихор ҳиссини уйғотади.

ХУЛОСА

Аэму жазм билан иш тутдим, бирон ишни қилишга аҳд қылган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

Президентимиз илмий-сиёсий услубидаги ўзига хослик — соф илмий таҳлил, аниклик, топқирлик, муҳими, дангаллик кўпчиликка ёқади. Шунда буюк аждодларимизнинг “кишининг мартабасини сўз била билурлар” деган доно ҳикматлари нақадар тўғри эканлигига яна бир бор иймон келтирасан киши. Юртбошининг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Шу азиз Ватан – барчамизники”, “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!” деган ёлқинли даъватлари аллақачон халқимиз орасида ҳикматли сўзга айланиб кетган.

Ҳа, айни қийин, мураккаб даврда миллат тақдирини ёрқин шахслар ҳал этишга қодирлиги ҳақида тарихда мисоллар кўп. Таникли журналист Нарзулла Жўраевнинг “Агар огоҳ сен...” (1998) китоби шу мавзуга бағишланган бўлиб, муаллиф жаҳон сиёсат майдонида бир шахснинг қиёфасини, унинг арбоблик ва инсонийлик қирраларини истиқлол йилларида юз бераётган тадрижий ўзгаришлар асосида ёритиб беради.

Ислом Каримов — яни ўзига Президенти. 16-17

ди. Н. Жўраев ҳақли равишда Мустақиллик даврини Янги Уйғониш, Янги цивилизация даври деб атайди ва Президент Ислом Каримовни ана шу янги, учинчи цивилизация ижодкори, деб кўрсатади.

Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши ва танилишида юртбошимизнинг ҳизматлари бекиёс. Ҳозирги кунга қадар бизни жаҳоннинг 150 мамлакати тан олди, 87 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Халқимиз ўзининг тинчликсевар ва адолатпарвар юртбошиси билан ҳақли равиша фахрланади.

Президентимиз илгари сурган кўплаб гоялар ва фикрлар умуммиллий чегараларни ёриб ўтиб, умумбашарий ҳодисага айланди. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли асосчиси Ислом Каримов бўлди. Бу ислоҳотларнинг асосий таомиили — “Бош ислоҳотчи – давлатнинг ўзи”. Бундай моделнинг бош мақсади мамлакат ичкарисида ва Ўрта Осиёда сиёсий барқарорликни таъминлаш ва давлатнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида Президентимиз фаолияти ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнига қизиқиши кучайиб, бу ҳақда бир қатор китоблар нашр қилинди. Масалан, 1996 йилда Москвадаги “Палея” нашриёти “Вожди народов – XX век” туркумида Ислом Каримовнинг “Барқарорлик

ва ислохотлар” (“Стабильность и реформы”) китобини чоп этди. Туркумнинг номидан кўриниб турибдеки, унда фаолияти эътироф этилган сиёсий арбобларгагина ўрин ажратилади. Ўша йили нашриёт иккинчи китоб — Н.Мишиннинг “Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти: портретга чизгилар” асарини ҳам чоп этди.

Австрияда сиёсатшунос, юридик фанлари доктори Л. Левитин (ГФР)нинг тарихий ва сиёсий фанлар профессори, Гарвард университети илмий ходими Доналд С. Карлайл (АҚШ) билан ҳамкорликда яратилган “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” (1996) китоби босмадан чиқди. Бу китоб ўзига хос илмий-оммабоп услубда холосона ёзилганлиги билан ажралиб туради. 1998 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ислохотлар ва барқарорлик” китоби “XX аср лидерлари” туркумida Анқарада турк тилида босилди. Шунингдек, юртбошимизнинг фаолиятига Хельмут Коль, Жак Ширак, Федерико Майор, Нарасимха Рао, Хусни Муборак, Ким Ен Сам каби сиёсат ва давлат арбоблари ҳам юксак баҳо берганлар.

Бундай эътирофнинг замирида Президентимизнинг **нотиклик маҳорати** ҳам мұжассам, дейишга ҳақлимиз.

Дарҳақиқат, етук сиёсий арбоб, давлатимиз асосчиси Ислом Каримовнинг нутқ-

лари равон, сунъийликдан холи, жумлалари аниқ, қисқа, оммага тушунарли, фикри теран, мазмунлидир. Нотик ҳар бир давра, учрашувга алохидатайёргарлик кўради, ҳар бир аудиторияга мос тил ва услубни тандайди. Президентнинг ёзувчилар, олимлар ҳамда таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш тизими фаоллари билан 1990—2000 йилларда ўтказган учрашувларидаги ёрқин нутқлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Бизнингча, сиёсатшунос ва тилшунослар Ислом Каримов асарларининг тўрт жиҳатини алохидатурғанишлари муҳимдир.

Биринчиси, мундарижа кенглиги, мақсад аниқлиги. Юртбошимиз кенг ва чукур билимга эга бўлган раҳбардир. Ислом Каримов содда тилда гапиради, у буюкларга хос бўлган фазилат — донишмандлик, одамларни ўзига ром қила билиш, кишиларнинг қалбини ва кайфиятини чукур илфай олиш қобилиятига эга.

Иккинчиси, илмий-сиёсий услубнинг ўзига хослиги, илмий теранлиги. Бундай услуб кучли сиёсий салоҳият ва илмий тафakkурга, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган арбоб фаолиятигагина хосдир.

Учинчиси, нотикда истиқболни кўра билиш устунлик қиласи. 1992—2000 йиллардаги маърузалар, учрашувларда узоқ ийлилк долзарб муаммолар қамраб олинган ва уларнинг аксарияти амалга ошганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз.

Тўртинчиси, минг йиллик тарихимиз ва буюк аждодларимиз (Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Нақшбандий, И smoил Бухорий, Ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Мотурудий) ҳақида бой маълумотларга эгалиги муаллифнинг маънавий-маърифий дунёси нақадар кенглигидан далолат беради.

“Услуб – одам демакдир” деб ёзганди алломалардан бири. Инсон табиати, ақлий заковати, идроки ва хислатлари, турган гапки, унинг нутқига ҳам кўчар экан. Сиёсий етакчи ва давлат арбоби Ислом Каримовнинг шахсий характерига хос бўлган бир сўзлилик, жасоратлилик, ҳақиқатгўйлик, ке чириклилик нутқи услубида ҳам яққол кўзга ташланади.

Демокрит айтганидек, “давлатни бошқариш санъати – санъатларнинг энг улуғидир”. Биз шу нозик санъатни пухта эгаллаган ва бу борада обрў қозонган Президентимиз билан фахрланамиз. Таникли адабиётшунос олим О. Шарафиддинов эътироф этганидек, Ислом Каримов мустақиллик йилларида “олий иқтидорли сиёсатчи, доно юртбоши сифатида улғайди ва камолотга етди” (“Халқ сўзи”, 1999, 22 апрел). Ўзбекистон Қаҳрамони, таникли адабимиз Саид Аҳмад юртбошимизнинг нотиқлик маҳоратига шундай баҳо беради: “Ҳар гал Президентимиз нутқларини тинглаётганимда шу қисқа давр мобайнида бир арбоб сифатида нақадар ўсганликларини кўриб фахрла-

ниб кетаман. Фикрнинг тиниқлиги, мантиқнинг зўрлиги, маънонинг тўқмағизлиги, ҳалқчиллиги арбобларга хос эканлигига тан бераман”.

Бизнинг тадқиқотимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам Ислом Каримовнинг бошқаларда учрамайдиган истеъоди – “кучли соғлом фикр юритиш стратегияси”ни имкон қадар ёритиш эди.

Президентнинг асарларини ўқиётиб, Ўзбекистонда ўзига хос илмий-сиёсий нутқи услуги янги поғонага юксалганига амин бўлдик. Мазкур нутқларни чукур ўргангандар бир раҳбар ундан ўзига зарур бўлган куйидаги **сабоқларни** олади:

— сиёсий вазиятларда адолатли ҳукмчиқариш, ҳалқа ҳақ сўзни айтиш ва ишонч уйғотиш;

— қон-қонимизга сингиб кетган сийқа усул ва услублардан воз кечиш;

— сусткашлик, лоқайдлик, оқсоқлик касалига чалинишдан халос бўлиш;

— боқимандаликка нисбатан муносабатни ўзгартириш, янги бозор иқтисоди та лаблари асосида иш юритиш;

— янгича фикрлаш, янгича ишлаш ва демократияни ўрганиш.

Раҳбар ходимларимиз иш услубларида ана шу тажрибаларни қўллашса, ўқиб-ўрганишса, айни муддао бўларди.

Ислом Каримов нутқларида қатъият, изчиллик ва ташаббускорлик руҳи устунлик қилгани яққол сезилади.

Давлат раҳбаримизнинг 1990—2000 йилларда яратган илмий-сиёсий асарлари мамлакатимиизда ва халқаро миқёсда эътироф этилди. Президентимиз Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, айни вақтда таълим, фан, иқтисодни ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссаси учун тўқиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган. Ислом Каримовнинг бунёдкорлик истеъодиди Италия Республикасининг "Катта Хоч кавалери" ордени, Интеллектуал мулк Жаҳон ташкилотининг олтин медали, ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино номли олтин медали ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Ҳа, Президентимизнинг обрў-эътибори, юксак ақл-заковати халқимизнинг донолиги, давлатимизнинг шон-шавкати билан уйғунашиб кетган. "Халқимиз ўз Раҳбари, ўз Қалъаси, ўз Руҳий паноҳи борлигидан фаҳрланмоқда. Шу омиллар воситасида халқнинг давлатга бўлган муносабатида ишонч, муҳаббат ва эъзоз руҳи орта бошлади"¹.

Хуллас, Президент Ислом Каримовнинг сиёсий нутқлари ва илмий асарлари дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон тарихининг

¹ Комилов Н. "Жамият ва бошқарув" журнали, 1997. 2-сон.

олтин саҳифаларига айланди. Халқчил, аниқ ва содда тилда баён этилган фикрлар янги, истиқтол даври одамлари учун дастурilmамал вазифасини ўтамоқда.

Бу асарлар Ўзбекистонда илмий-сиёсий нутқ услубини тамоман янги погонага олиб чиқди.

Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва кудратли давлат бўлиб кириб бормоқдадимиз. Шуни унумаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатти на ўзимизнинг кўлимиздадир.

Ислом КАРИМОВ

Рисола-диңдандох юномитарни тандай сооптига сўз этилган-до тоҳондат номи. Вони онадумнича яъни шундек ташкилотни таъминайди. Йиғозийлик бўлгакибо лашиндори, ўз бидори ташниголовов заминот молози-ниҳоди, яъне сезнинчилик инаделчимошни ошига ишга кирдагачча сурʼуро. Ўзбекистонгари маслихатийлар дафнини дафнини таъминоти батаресига таҳдот ҳалинсанни

ШАХС ВА УСЛУБ

(Сўнгсўз ўрнида)

Сиёсатшунослик фан сифатида бизда энди-энди ривож топмоқда. Чунки мустамлака тузуми даврида Ўзбекистоннинг ўз мустақил сиёсий йўли бўлмагани сабабли холис сиёсатшунослик фани ҳам шаклланмаган. Бинобарин, бу соҳада пайдо бўлаётган ҳар қандай янги асар илмий жамоатчилик диккатини ўзига жалб этиши табиийдир.

Ёш тадқиқотчи Баҳтиёр Омоннинг “Сиёсий етакчининг нотиқлик маҳорати” рисоласи аввало, мураккаб ва масъулиятли бир мавзуни тадқиқ этишга бағишлиганлиги билан эътиборни тортади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти ва ёрқин шахсияти, шак-шубҳасиз, кўплаб илмий тадқиқотлар учун мавзу бўлишга арзидиган ижтимоий ҳодисадир.

Б. Омон тадқиқот обьектига ўз ихтисослигининг табиатига кўра, яъни муҳаррир журналист сифатида ёндашади; Президент Ислом Каримов асарларининг услубий ўзига хосликларини таҳлил қиласр экан, биринчи галда “Услуб — бу шахсдир” деган класик таърифга таяниб иш кўради.

Тадқиқотчи улкан давлат арбоби Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида, умуман давлатимиз раҳбарининг барча асарларида ярқ этиб кўзга ташланадиган услубий хусусиятларни яхши ёритади. Нотиқлик санъати, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва вазифаси ҳақидаги назарий манбалар асосида муҳим фикр-мулоҳазалар баён этади, зарур илмий холосалар чиқаришга муваффақ бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг услубига хос фазилатлар — илмий таҳлил, очиқлик, соддалик, самимият, лўндалик, ҳар қандай мураккаб масалалар юзасидан ҳамиша мулоқотга тайёрлик каби хислатларни тадқиқотчи тўғри кўрсатиб ўтади ва буни аниқ ҳаётий мисоллар билан исботлайди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг нутқларига хос стилистик усуллар, яъни парадоксал тасдиқлаш, риторик сўроқ, диалог нутқ сингари жиҳатларни ҳам ўз ишида кўрсатиб беришга интилади.

Рисоланинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, тадқиқотчи Президентимизнинг матн устида ишлаш тажрибасини ҳам ўрганиб, зарур кузатиш ва холосаларни баён этади.

Мухтасар қилиб айтганда, рисолада мавзунинг атрофлича ёритилгани, кўйилган масалаларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томондан батафсил таҳлил қилингани

кўзга ташланади. Муаллифнинг турли манбаларни синчилаб ўргангани ва уларни илмий истеъмолга киритгани, ифода услубининг равонлиги рисоланинг илмий ва ижтимоий қимматини белгилайди.

Хайриддин Султонов дебоном янгелсан чандарга новфисса "ва ишдудати вожум-сириф таълим" айнозе ашниодирибди борнунинг сифози иштеп либо сибоятишиник фаннидан оларнига унга ташнибиди. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлар — давр талаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000.

Леонид Левитин, Дональд С. Карлайл. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т.: Ўзбекистон, 1996.

Фойдаланилган адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлар — давр талаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000.

Леонид Левитин, Дональд С. Карлайл. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т.: Ўзбекистон, 1996.

Мишин Н. Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. Т.: Ўзбекистон, 1997.

Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т.: Шарқ, 1998.
Баркамол авлод орзуси (нашр учун масъул: Т.Рисқиев). Т.: Шарқ, 1998.

И. А. Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мағкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида (тузувчилар У.Тожихонов, А.Сайдов). Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т.: Ўзбекистон, 1996.

Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. Т.: Шарқ, 1998.

Цицерон М.Г. Три трактата об ораторском искусстве. М.: Наука, 1972.

Гrimаль П. Цицерон М.: Молодая гвардия, 1991.

Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. Т.: ФАН, 1973.

Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Т.: ФАН, 1984.

Қадимий ҳикматлар (тузувчи Н.Рахмонов). Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат, 1986.

Темур тузуклари. Т.: F.Фулом номидаги нашиёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Ф.Аттор, С.Валад, А.Насафий, В.Кошифий ижодидан намуналар. Ф.-т. тилидан Н.Комилов тарж. — Т.: Маънавият, 1997.

Основы ораторского искусства. М.: Мысль, 1980.

Иванян Э.А. От Джорджа Вашингтона до Джорджа Буша. М.: Политиздат, 1991.

Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т.: Маънавият, 1999.

Сулаймонова Ф. Шарқ ва Farb. Т.: Ўзбекистон, 1997.

Пахрутдинов Ш. "Таҳдид" тушунчаси: назария ва амалиёт. Т.: Абу Али ибн Сино, 1998.

Якубов О. Қашқирлар галаси: террорнинг қонли изи. Т.: "Ижод дунёси" нашриёт уйи, 2000.

"Известия", 5 окт., 1994 г.

"Жамият ва бошқарув" журнали, 1997, 1-2-сон.

"Тафаккур" журнали, 1998, 3-сон, 2000, 2-сон.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ СИЁСАТ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ	
1.1.Илмий-сиёсий услуг хусусиятлари	7
1.2.Оғзаки нутқ имкониятлари	22
1.3.Омма сиёсий кайфиятини йўналтиришда сўзнинг ўрни	29
1.4.Услубнинг тадрижий такомили ..	32
ИККИНЧИ БОБ СИЁСИЙ АСАРДА МАҚСАД ВА ИФОДА БИРЛИГИ	
2.1.Янги гояларнинг таъсирчан ифодаси	40
2.2.Сиёсий жараёнлар таҳлилида илмийлик ва холислик	50
2.3.Сиёсий етакчи нутқида сиёсий вазиятлар таҳлили	67
ХУЛОСА	78
X. Султонов. ШАҲС ВА УСЛУБ (сўнгсўз ўрнида)	86
Фойдаланилган адабиётлар	89

АЗИЗ КИТОБХОН!

Истиқлол—азиз ва тотли сўз. Озодлик дея не-не буюк аждодларимиз курашмади ва қон кечмади, дейсиз. Ниҳоят, юртимиз мустақилликка эришди ва, мана, тўқиз йилдирки, истиқбол сари дадил одим ташламоқда.

Кўлингиздаги китобда ана шу буюк ўзгарышларнинг бош меъмори, истиқлол фидойиси Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йилларида яққол намоён бўлган нотиқлик маҳорати ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга, рисолада нотиқлик санъатининг айrim қирралари, бу маҳорат мактабининг ибрат ва сабоқ бўлгулик жиҳатлари таҳлил этилади.

МУНДАРИСКА

ЮРИШ

ВИРИНЧИ БОБ
СИЕСАТ ВА НУТК МАДАНИЯТИ

1.1 Илмий-сиёсий услуб ҳуқумати
Жонбайзисчо мақсади касиети таъсисати
Қараша маданийти мактаби маданийти ғарбияни ярд
снагатидан чи тоғибни саломлаштирилди. Ноҳияни
енбори түбкимиши, таъсисати маданийти мактаби
шешт мадди индад низо бодилган экономий

Илмий-маърифий нашр

Бахтиёр Омон

СИЁСИЙ ЕТАКЧИНИНГ
НОТИКЛИК МАҲОРАТИ

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими **Рустам Шогуломов**,
Хайдариддин Султонов

ХУДОСА

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори,
профессор **Нажмиддин Комилов**

Фойдаланинг андебийткор

Оном, баъзи
оъинткай

Чонкин оғизининг хотинук махбоди
— Т. — Н. Комилов. — М.
Маданий мактаби маданийти ғарбияни
ярд снагатидан чи тоғибни саломлаштирилди. Ноҳияни
енбори түбкимиши, таъсисати маданийти мактаби
шешт мадди индад низо бодилган экономий

ISBN 9-840-05818-2

60 — 980000000
7000 — 980000000
8000 — 980000000

Муҳаррир: *K. Буронов*
Рассом *T.Қаноатов*
Тех. муҳаррир *У. Ким*
Мусаххих *Ш. Мақсудова*
Компьютерда тайёровчи *Э. Ким*

Теришга берилди 10.04.2000. Босишига рухсат
этилди 16.08.2000. Бичими $70 \times 90 \frac{1}{32}$. Программатик
гарнитура. Офсет босма усулида босилди. Шартли
босма тобоқ 4,09. Нашр тобоқ 3,45. Тиражи 5000.
Буюртма №285 Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. Нашр № 22-2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
нинг Тошкент рангли босма фабрикасида босилди.
700128. Тошкент, У.Юсупов кўчаси, 86.

Омон, Бахтиёр
/ Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати
/ **Масъул мұхаррир: Н. Комилов.** — Т.:
“Ўзбекистон”, 2000.—96 б.

ББК 66.3(5У)8

ISBN 5-640-02815-7

0 **080400000000 – 30**
M351(04) – 2000 **2000**

Илымы-мальцирмий нашир
номаёнд. Ҳизнидик
жетарият. Ҳизнид
мис. Ҳ. физиогрим. Ҳоз
жарнама. Ш. жиҳознум
нижатиниёндигандаштада

НОТИКЛИК МАҲОРАТИ
твоюд Ҷанубий 2005. № 01 номидеб атишади
житем юди. № 10605 номинз. № 0005.80.81 номиде
нижадиди тоғулоосада шарутий тағобби жарнамада
0000 макони. Вебсайтынан 18:00-кундан берінен орнашып
жарнама жарнамалардың 2000-шынан шарттайды.

Жарнама, тиражи 251000, издашчи “Нотонхада”
2005. 25. 11. 2005. № 02. макони
жарнамасын Национальны Академия
негиздигү таубаты тағаддудында орнашада.
Надирид аднижимдеби иморд натижада тиражи
58, издашчи волгоград, тиражи 251000

500.